O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 4 (9.348) 2000 йил 10 январь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда



Кеча мамлакатимизда, унинг пойтахти Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови катта кўтаринкилик руҳида ўтди

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ЁРҚИН ТАНТАНАСИ

Ҳар бир инсон ва ҳар бир мамлакат ҳаётида жуда муҳим ўрин тутадиган воқеалар бўлади. Шу жиҳатдан олиб қараганда кеча ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови нафақат яқин беш йил учун, балки истиқболнинг узоқ муддатлари учун тараққиётимизнинг устувор йўналишларини белгилади. Ҳамюртларимиз сайловда юксак онглилик ва фаоллик намуналарини кўрсатдилар. Дастлабки якунлар ҳам сайловнинг қонунчилик талаблари асосида, уюшқоқлик билан ўтганлигидан далолат бермоқда. Буни мамлакатимизга келган кўпчилик кузатувчилар, жумладан, АҚШ, Япония, Россия, БМТ ва бошқа мамлакатлар ҳамда нуфузли ташкилотлардан келган кузатувчилар ҳам қайд қилдилар. Шуни айтиш керакки, бизларнинг ҳаммамиз кеча ўзимизнинг фуқаролик бурчимизни ва ўз Конституциявий ҳуқуқимизни адо этиб, нафақат мустақил давлатимизнинг Президентини сайладик, балки шу билан бир қаторда сиёсий барқарорлик, демократия учун навбатдаги имтиҳондан ўтдик. Дастлабки натижаларга кўра республика бўйича сайловчиларнинг 95,10 фоизи овоз беришда иштирок этган, сайловчиларнинг 91,90 фоизи Ислом Каримовни ёқлаб овоз берган, 4,17 фоиз сайловчилар Абдулҳафиз Жалоловни ёқлаб овоз берган. Кеча пойтахтимизнинг сайлов участкаларида овоз бериш жараёнлари қандай ўтганлиги ҳақида ўз мухбирларимизнинг хабарлари билан қуйида танишасиз.

• ЯККАСАРОЙ туманидаги 652-сайлов участкаси Тошкент Давлат санъат институти биносига жойлашган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўзининг Конституцион ҳуқуқини бажариш учун бу ерга ташриф буюрди.

Сайлов участкасида маҳаллий ва хорижий журналистлардан жуда кўпчилиги йиғилган эди. Ҳар доим бўлганидек, бу гал ҳам улар ўзларини қизиқтирган кўпдан-кўп саволларга аниқ жавоблар олдилар.

Ислом Каримов унинг номзодига ишонган ва номзодни қўллаб-қувватлаган сайловчилар шаънига қандай истаклар билдирасиз, деб унга берилган саволга жавоб қайтариб, қўллаб-қувватлагани учун халқимизга чуқур ташаккур изҳор қилди ва Ўзбекистоннинг буюк келажагига ишонч билдиришини изҳор этди. Унинг энг катта хоҳиши ўзбек заминида барқарорликнинг доимо қарор топиши, фуқароларнинг бахтли турмушини кўришдан иборат.

* * *

• АКМАЛ ИКРОМОВ туманидаги 283-мактабда жойлашган 4-сайлов участкаси ҳам ўзларининг Конституциявий бурчларини бажариш учун эрта тонгданоқ келган одамлар билан гавжум бўлди. Сайлов участкаси комиссияси аъзолари овоз бериш уюшқоқлик билан ўтиши учун барча саъй-ҳаракатларни қилдилар. Овоз берувчилар махсус хоналарга кириб, ўзлари танлаган номзод учун овоз бердилар. Бундан ташқари саломатлиги туфайли сайлов участкасига келмаганлар учун махсус яшиклар уларнинг уйларига олиб борилди.

Дастлабки маълумотларга қараганда шу нарса аён бўлдики, ушбу сайлов участкасидаги 1663 сайловчидан қарийб 80 фоизи Ўзбекистон Президенти сайлови куни овоз бериб бўлди.

* * *

• ШАЙХОНТОҲУР туманидаги 80-мактаб биносида жойлашган 514-сайлов участкаси роппа-роса соат 6 да сайловчилар учун очилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови уюшқоқлик билан ўтди.

— Эрта тонгданоқ бизлар билан бирга биринчи сайловчи — Чўлпон ота маҳалласининг фуқароси Фахриддин Файзиев ҳам келди, — дейди сайлов участкасининг раиси Бахром Юнусов. — Тузилган рўйхатга биноан участка ҳудудида сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 3 минг 300 дан ортиқ одам истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бири биринчилар қатори ўз бурчларини бажаришга шошилишар эди.

— Бизлар энг муносиб номзод — Ислом Каримов учун яқдиллик билан овоз бердик, — дейишди бу ерга келганларнинг аксарияти. Кечки соат 18 га қадар 3 мингдан зиёд одам ўз овозини бериб бўлди.

* * *

• ЮНУСОБОД туманидаги 94-мактабда жойлашган 603-сайлов комиссиясининг раиси Илҳом Отабоев билан суҳбатимиз сайловга кўрилган тайёргарликдан бошланди. Шу нарса аён бўлдики, бу ерда катта ҳажмдаги ишлар бажарилган. 53 нафар ёш бу ерда биринчи бор овоз берди. Шу боисдан кеча улар ўзларининг ҳаётларидаги шундай қутлуғ кун билан муборакбод этилдилар.

Кундуз соат 15 га қадар ушбу сайлов участкасида сайловчиларнинг 80 фоиздан ортиғи овоз бериб бўлди. Улар ўзлари танлаган номзод учун овоз бердилар.

* * *

• ЧИЛОНЗОР туманидаги 173-ўрта мактаб биносида жойлашган 429-сайлов участкаси эрта тонгданоқ байрамона тус олди.

— Дастлабки сайловчиларимиз участкамизга участкамиз очилиши биланоқ кириб келишди, — дейди участка сайлов комиссиясининг раиси, мактаб директори Гулчеҳра Зиёева. — Уларнинг аксарияти кекса кишилар эди. Бу отахон ва онахонлар ўзларининг фуқаролик бурчларини масъулият билан адо этдилар.

Сўнг биз Гулчеҳра Зиёева билан соат 14 да телефон орқали боғландик. У ана шу дамларга келиб сайловчиларнинг 80 фоизи овоз бериб бўлганлигини айтди.

Сайловчиларнинг фаоллик кўрсатишида участка ташвиқотчиларининг сайловолди жараёни пайтида олиб борган ишлари муҳим аҳамият касб этди. Бунда мактаб ўқитувчиларидан Наргиза Холмуродова, Нодира Даминова, Наргис Зиёева, Ҳамза маҳалласининг фаоллари ўзларини кўрсатдилар.

* * *

• МИРЗО УЛУҒБЕК туманидаги 137-сайлов участкасида эрталаб соат 10 га бориб сайловчиларнинг 40 фоизи овоз бериб бўлган эди.

Кундуз соат 15 да сайловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш учун овоз беришлари энг юксак чўққига кўтарилди. Бу ерга сайловчилар ўз оила аъзолари билан, гуруҳ-гуруҳ бўлиб ташриф буюрдилар ва сайловда қатнашдилар.

Кечқурун соат 19 дан 30 дақиқа ўтганда ҳам бу ердаги сайлов жараёни қизғин давом этар эди. Шу пайтга келиб сайловчиларнинг 92 фоизи овоз бериб бўлган, лекин одамларнинг ўз Конституцион ҳуқуқларини бажариш учун келаётган оқими тўхтамас эди.

* * *

• ҲАМЗА туманидаги 145-мактабда жойлашган 340-сайлов участкасида ҳам Президент сайловларига пухта тайёргарлик кўрилганди. Жумладан, участка бўйича рўйхатга олинган 2051 нафар сайловчилар хонадонларига Янги йилга қадар таклифномалар тарқатилди. Сайловга тайёргарлик ишларида ҳудуддаги Усмон Юсупов маҳалласи фаоллари катта ёрдам беришди.



Бундай қизғин тайёргарлик сайловларда ҳам ўз самарасини берди. Куннинг биринчи ярмига қадар деярли барча сайловчилар ўзлари танлаган номзодга овоз бериб бўлишди. Махсус ажратилган машина ёрдамида участка сайлов комиссияси аъзолари кекса пенсионерлар, ногиронларнинг хонадонларига бориб уларнинг овозларини тўплашди.

* * *

• СЕРГЕЛИ туманидаги 3-мактабда жойлашган 299-сайлов участкаси ҳам эрта тонгданоқ кишилар билан гавжум бўлди. Спутник-5,8,15 ва 17-даҳаларини ўзига қамраган тумандаги энг йирик ушбу сайлов участкаси номзодларнинг таржимаи ҳоллар, сайлов қонунлари, турли китоб-журналлар билан жиҳозлангани сабабли овоз бериш учун келган сайловчиларга катта қулайликлар туғдирди.

— Учинчи минг йилликнинг бошланиши — муборак Рамазон ҳайити кунларида буюк келажагимиз бунёдкори бўлмиш давлатимиз раҳбарини сайлашга катта қувонч билан келдим, — дейди сайловчи Акром Бердиёров. — Ўйлайманки,мен овоз берган номзод келгусидаги ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётимизнинг барқарор бўлиши, аҳоли турмуш даражасининг ошиши ва фаровон ҳаётимизни таъминлаш учун бор куч-ғайратини аямайди.

* * *

• МИРОБОД туманидаги А. Авлоний номли 328-мактабда жойлашган 1-сайлов округига қарашли 168- ҳамда 169-сайлов участкаларига эрта тонгдан сайловчилар оқими саф-саф бўлиб кириб кела бошлади. Сайловчиларнинг чеҳраларида байрамона кайфият, кўтаринки руҳ, мамнунлик ифодаси яққол сезилиб турди. Чунки Президент сайлови айни муқаддас ва улуғ айём кунларига насиб қилгани барчанинг дилида қувонч ва хуш кайфият уйғотди.

— Халқимиз кўпдан интиқиб, ҳаяжон билан кутган Президент сайлови қандайдир ўзгача руҳда, уюшқоқлик билан ўтди, — дейди 168-участка сайлов комиссияси раиси Саида Маматқулова. Соат 13.00 гача 60 фоиз сайловчи сайловда фаол иштирок этди. Шунингдек, сайлов участкамизга Германиянинг республикамиздаги элчихонасидан вакиллар ҳам ташриф буюриб, Президент сайловининг эркин ва демократик тарзда тинч ва осойишта ўтаётганининг гувоҳи бўлишди.

Сайловда иштирок этолмаган ёлғиз қариялар ҳамда 18 ногирон кимсаларнинг уйларига бориб сайлов жараёнлари ўтказилди.

* * *

• БЕКТЕМИР туманида жойлашган 13 та сайлов участкаларида ҳам Президент сайлови кўнгилдагидек якунланди. Чунки ушбу участкаларда бўлажак Президент сайлови ўтказилиши учун ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган эди. Айниқса, кеча бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик. Яъни барча сайлов участкаларида ҳеч бир қонунбузарликларга йўл қўйилмади. Сайловларда сайловчилар катта қизиқиш билан иштирок этиб, ўз қалбидаги инсонга юз фоиз овоз бердилар.

* * *

• СОБИР РАҲИМОВ туманидаги 236-сайлов участкаси пешин пайтида одамлар билан айниқса гавжум бўлди. Ана шу пайтда рўйхатга олинган 2700 дан ортиқ сайловчининг аксарияти Президент сайловида овоз берди.

Сайлов участкасининг раиси Алишер Раҳматов бошчилигидаги комиссия аъзолари сайловолди жараёнларида фаоллик кўрсатди. Бу нарса Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайловчиларнинг фаоллик билан овоз беришида ўз ифодасини топди. 2600 дан ортиқ сайловчи, яъни сайловларда қатнашган 90 фоиздан ортиқ кишилар шу куни чин демократия учун овоз бердилар.

СУРАТЛАРДА: Чилонзор туманидаги 414-, Яккасарой туманидаги 652-, Мирзо Улуғбек туманидаги 87-, Шайхонтоҳур туманидаги 486-, Ҳамза туманидаги 344- сайлов участкаларида овоз бериш пайти.

Абдувоҳид Тўраев, Сергей Любчич ва Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИГА ТАБРИГИ

Муҳтарам биродарлар!

Аввало, сизларнинг барчангизни юртимизга кириб келаётган муқаддас айём — Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бу табаррук байрамни бутун ер юзидаги мўмин-мусулмонлар энг пок ва эзгу туйғулар билан мунтазир бўлиб кутадилар.

Она заминимизга илоҳий марҳамат ёғилган мана шу қутлуғ кунларда ҳар бир инсон, авваламбор, ўз оиласи, ўз яқинларига Оллоҳ таолодан бахт-саодат тилайди, эл-юртда меҳр-оқибат, ўзаро аҳиллик, ҳурмат-эҳтиром, хайр-саховат ҳукм суришини, иймон-эътиқоднинг мустаҳкам бўлишини сўрайди.

Бу муборак байрамнинг янги аср арафаси — 2000 йил бошига тўғри келгани ҳам бежиз эмас. Бу қутлуғ айёмни руҳан покланиб, олижаноб орзу-умидлар билан кутиб олишимизнинг рамзий мазмуни, илоҳий маъноси бор. Бу ҳам бўлса, Яратганимизнинг бизга ато этган яна бир улуғ неъматидир.

Мана шу файзли кунларда одамларнинг бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиши, ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, беморлар, қарияларни йўқлаб, уларнинг кўнглини кўтариш — муқаддас ислом динимизнинг энг улуғ фазилатларидандир.

Шу маънода, мен мамлакатимизда бошланган Мурувват кунлари бутун йил бўйи давом этишини истардим. Чунки бундай ўлмас қадриятлар бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб, уларнинг исломий тарбияси орқали қалбимиздан, юрагимиздан теран жой олган.

Биз — бутун ислом дунёсида буюк хизматлари билан ном қозонган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Имом Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломаларнинг бугунги авлодлари, Истиқлол шарофати билан табаррук Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитрни жаҳондаги барча соф ниятли мусулмонлар қаторида шоду ҳуррамлик билан байрам қилишга муяссар бўлганимиздан бахтиёрмиз.

Бу улуғ ва мўътабар байрам билан сизларни яна бир бор самимий қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга фаровонлик тилайман.

Менинг Оллоҳ таолодан доимо сўрайдиган тилагим — юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимизнинг боши омон бўлсин!

Рамазон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин!

Изҳор

КЕЛАЖАГИ БУЮК ТОШКЕНТИМ

Дунё яратилибдики, нур бор, соя бор. Кеча ўрнини кундуз, кундуз ўрнини кеча эгаллаши табиий. Бу ёруғ оламнинг ҳосиласи инсон эса шу заминни, ҳаётни баркамол қилиш учун Аллоҳ томонидан ато этилган. Лекин бу бурчни ҳамма ҳар хил бажаради. Биров кўп, биров кам. Ҳар кимнинг эътиқоди ҳар хил. Сабаби номи элга машҳур буюк одамлар, ақли ва жасорати билан ҳаммани лол қолдирган зукко донишмандлар ҳар куни туғилавермайди. Минг йилда бир яралади.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, бизнинг давримиз мана шундай инсон юрт бошига келган бахтли ва изли, қутлуғ йилларига тўғри келди. Бутун ўзбек диёри ва унинг халқи бошида соябон бўлиб турган Ислом Каримовдек доно ва фидойи Йўлбошчиси билан ҳақли равишда фахрланади.

Халқим деганни халқ ҳам қўллайди. Кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунида ҳаммамиз бир овоздан жўр бўлиб:

«Ислом ака, бўлинг омон!
Кўксимизни керамиз,
Юзта сайлов —
бўлса имкон,
Юз бор овоз берамиз»,

дея шу улуғ инсон номзодини қўллаб-қувватлаганимиз фикримизнинг далилидир.

Азалий юртимиз байрамлар ва тантаналар ўлкаси. Куни кеча саховатли ва мурувват ойи Рамазону шарифни қутладик. Ўзбегимизнинг миллий байрами ҳайитни шарафладик. Яна бир буюк сана — Президент сайловини ўтказдик. Сайловлар муносабати билан Юртбошимизнинг республикамиз вилоятларидаги сайловчилар билан учрашувлари ҳам ўзига хос тантаналарга айланиб кетди. Масалан, Йўлбошчимизнинг биргина Тошкент шаҳри сайловчилари билан бўлган учрашуви бунинг ёрқин мисоли бўла олади. Шу куни у кишининг юксак минбардан туриб сўзлаган нутқларини ҳаммамиз жон қулоғи билан тингладик.

Президентимиз пойтахтимиз Тошкентнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти ҳақида гапира туриб; **«Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимизнинг пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган серқуёш диёримизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этадиган Ватанимиз остонасидир»,** деган сўзлари барча тошкентликларни тўлқинлантириб юборди, уларнинг ўз шаҳрига бўлган ҳурмат ва эътиборини оширди. Чиндан ҳам Шарқ дарвозаси деб ном олган Тошкент фан, маданият равнақ топган Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этадиган марказ сифатида обрў қозонди, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳрига айланиб қолди. Айниқса, у мустақиллик йилларида бунёдкорлик ишларини авж олдирди. Бу ерда ўзига хос меъморий мактаб яратилди. Кейинги йилларда қад ростлаган муҳташам бинолар, барча қулайликларга эга бўлган бозорлар, кенг ва мустаҳкам кўприклар, кўкаламзор боғлару майдонлар шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Икки минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган бу шаҳарда иймон-эътиқод, маънавият борасида ибрат бўладиган қанча-қанча буюк зотлар ўтганини айтмайсизми? Бугун уларнинг бирма-бир санаб адоғига етиб бўлмайди.

Юртимиз нон ва тинчлик шаҳри эканлиги билан ҳам бизни қувонтиради. «Тошкент руҳи», «Тошкент декларацияси» деган атамалар «ўзбек модели» билан уйғунлашиб, бутун мамлакатимиз ва миллатимиз шаъни халқаро обрў-эътиборини янада юксалтирмоқда. Албатта Тошкентимизнинг дунё майдонида бу қадар нуфузи ошиши, ундаги буюк ўзгаришлар Президент Ислом Каримовнинг номи билан боғлиқ эканлигини бугун ким ҳам инкор эта оларди. Бугун бу инсонни жамиятимиз аъзоларининг барчабарчаси мустақиллигимизнинг бош меъмори, дея тан олаётганликларининг боиси ҳам ана шунда.

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол ва миллий қадриятларимиз

XIV. ТАРИХНИНГ ТАРБИЯЧИЛИГИ НИМАДА?

Ўзбекистонда Мустақиллик эълон қилинганидан буён ўтган йиллар мобайнида маънавий қадриятларимиз, миллий тарихимиз, энг илғор ўзбекона анъаналаримиз борасида тинимсиз амалга ошириб келинаётган тадбирларни энди бирма-бир санаб ўтиш шарт эмас. Буни фақат ўзимизгина эмас, бутун дунё кузатиб бормоқда, тан олмоқда, ҳатто мазкур оламшумул ишларда ҳамкорлик қилаётганлар ҳам анчагина бўлиб қолди.

Бизда амалга оширилаётган хайрли амалларга дўстона муносабатда бўлаётганлар ҳам, ғаразгўйлар ҳам бор. Кейинги буюк Истиқлолимиз ато этаётган иқтисодий ривожланишимиз, юртимизда изчил давом этиб келаётган сиёсий барқарорликни жаҳондаги энг тараққий этган давлат раҳбарлари, ўша мамлакатларнинг ишбилармонлари, тадбиркорлари ҳам эътироф этиб, биз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга интилаётганларини ҳам такрорлаб ўтиришга ҳожат йўқ, эътибор билан кузатиб бораётган жамоа уларни яхши билади...

Агар миллий қадриятларимиз, маънавий оламда чинакам жаҳоншумул тарбиявий аҳамият касб этиб, минг йиллардан буён ўз ватани, халқи, жамиятига садоқат руҳини одамлар қалбларига сингдириб келаётган биргина «Алпомиш» достони-ю Жалолиддин Мангубердига бағишлаб ўтказилган тантаналар миллий, маънавий меросимизнинг умуминсоний меросга айланиб, халқлар, турли миллат ва элатларнинг энг илғор, энг онгли, энг софдил, иймон-инсофли табақалари қалбларида абадийлик касб этиши, асрлар оша авлодлардан-авлодларга ўтиб боришини эндиликда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч йўққа чиқара олмайди.

Ҳамонки юз йиллаб қарамлик — мустамлакачилик жабрини тортиб келган Туркистон, ҳатто бутун Марказий Осиё халқлари бу оламшумул қадриятларини йўқотмаган эканлар, шунинг ўзиёқ чинакам миллий қадриятларнинг умуминсоний маънавий хазинага айланиб кетишига ғоят катта далил бўлиб қолаверади. Шу ўринда яна бир изоҳга эҳтиёж бор. Илғор маънавий қадриятларнинг, тарихий воқеа-ҳодисалар ва тарихий қаҳрамонларнинг мангуликка дахлдорлигини таъмин этадиган бош омиллардан бири — ҳамиша уларнинг ўз миллий ёки ирқий, диний мансублик доирасидан чиқиб, умуминсоний аҳамият касб этиши билан боғлиқ бўлади. Ана шу ерда тор миллий доирада тўлганиб, ўзини бошқалардан устун қўйишга уринган ҳар қандай қарашлар оқибат-натижада жамият бошига кулфатлар ёғдиради, зиддиятларни кучайтиради, аҳиллик-тотувликни тор-мор қилиб, хунрезликка судрайди. Бундай дунёқараш тарихда нималарга олиб келгани, қандай якунлангани ҳақида талай мисолларни келтириш мумкин...

Жамият тарихи — хуллас олий ҳакам деб аталмиш — Тарих бундай худбинликни фош этиб келган, қоралаган, рад этган. Буюк даҳолар, қайси миллат, қайси халқ, қайси диний эътиқодга мансубликларидан қатъи назар, ҳамиша аввало ўз халқи, миллати, ватани манфаатларидан келиб чиқиб иш кўрганлар, шу билан бирга уларнинг чинакам етук инсоний маънавиятлари доимо жаҳон миқёсида тан олинган, ҳурматланган — бу тарихнинг энг адолатли ҳукми бўлиб қолган, ҳамон шундай қолади.

Аммо на ўтмишни, на келажагини, на бугунини қадрлашга иймон-эътиқоди етмаётган террорчилар деб аталаётган ёвузлар, дунёга хавф-хатар солиб, хунрезликларга сабаб бўлаётган кимсаларни нима деб аташ керак? Барча жиноий ишлари негизида шахсий бойлик ва ҳукмронлик истаги тўлиб ётгани ҳолда ўзларини художўй деб аташлари, «жиҳод» шиори остида бегуноҳ одамларни отиш, мол-мулкини талон-тарож қилишларини нима деб аташ керак? Дастлаб дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ҳудудида портлатиш, босқинчилик қилишлар билан намоён бўлган террорчилар эндиликда ўзларига нақадар суянчиқлар топиб, тинч аҳолининг ҳаётини заҳарлаётганлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмай қўйди.

XX асрнинг сўнгги ноябрь ойи бошларида (8-9 ноябрь) Туркия пойтахтида ўтказилган 54 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги анжуманда Юртбошимиз қатор муаммолар орасида — халқаро террорчиларга қарши курашда кучларни бирлаштириш масаласини кўтариб чиққанлари жуда катта эътибор қозонди, буни ғоят мамнуният билан бутун жаҳон маъқуллади. Биз бутун жаҳон деганда — Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги йиғилиши иштирокчиларини кўзда тутамиз — зеро, бу Ташкилот — Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан кейинги энг йирик, жаҳон миқёсида энг обрўли Ташкилот. Тўғри, унга аъзо бўлмаган давлатлар бор ва уларнинг турлича қарашлари мавжуд. Аммо ким қандай ўйламасин — Ер юзи битта, у бутун инсоният-у ҳайвонот, ўсимлиг-у қуртқумурсқаларгача — ҳаммасига берилган ягона Замин эмасми? Шундай бўлгандан кейин унда яшайдиган барча жонзот воқеа-ҳодисалардан четда туролмайди, ҳатто четдамиз деб ҳисоблайдиган кимсалар бўлса, уларни инсоният калтабинликда айблашга ҳақлидир. Бу табиий бир қонуниятки, унга қарши борадиган куч йўқ, унга қарши бораётганларнинг фожиаларини дунёнинг турли чеккаларида кўриб ҳам турибмиз...

Биз бу ўринда — XX аср тугаб, XXI асрга қадам қўя бошлаган инсониятни қарийб бир ярим - минг йиллар илгариги давлат тизимларига қайтариш ҳақида жар солиб, талончилик қилаётган ёвузларни кўзда тутмоқдамиз. Бу қадар тескаричи ғояни шиор қилиб, ҳар ер-ҳар ерда неча-неча минглаб одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлаётганларнинг оқибати — ҳамиша ҳар қандай ёвузликнинг фожиалари сингари якунланиши ҳам тарихларда кўплаб кўрилган. Бу сафар ҳам шундай бўлади. Тарих ҳукмидан қочиб қутилган биронта золимни жаҳон ҳали учратган эмас...

Маънавий қадриятларнинг буюк тарбиявий аҳамияти ҳам шунда, уларни холис, эътиқод билан ўрганиш, моҳиятига чуқур кириш, туб негизидаги энг қимматли, энг илғор, эртанги кун учун, тараққиёт учун энг зарур нуқталарини топиб қўллаш — ҳамиша инсоният ҳаётининг катта бурилиш даврларида айниқса зарур бўлиб қолади. Шунга катта эҳтиёж туғилади. Буюк даҳолар жамиятдаги ана шундай ўзгаришлар даврининг ўта қалтис, зиддиятли босқичларида — қадриятларга, маънавий мерос хазиналарига кўпроқ мурожаат қилиб келганлар. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Жумладан, иккинчи жаҳон уруши даврининг ўзида, ундан олдинги 20-30-йилларни олсак — ҳаммасида шу ҳолни кўрамиз. 20-30-йилларда бизнинг халқимиз мустамлакачилик қуллиги остида шундай эзилдики, бу йиллардаги кечирилган фожиалар олдида илгариги ип эшолмай қолди.

Худди ана шундай фожиали йилларда Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек ва уларнинг қатор ҳамфикрлари томонидан ёзилган тарихий, бадиий асарлар вужудга келди. Бугун Истиқлол шарофати билан улар бизнинг энг бебаҳо миллий қадриятларимиз сифатида эъзозланмоқда... Иккинчи жаҳон уруши даврида эса, рус ва бошқа миллий республикаларнинг етакчи ёзувчилари тарихий мавзуларга мурожаат қилиб, бу соҳада талай ажойиб бадиий-тарихий асарлар яратдилар. Шулар орасида Ойбекнинг «Навоий» романи, Иззат Султон билан Уйғун ёзган «Алишер Навоий» драмаси, Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Шайҳзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», кейинроқ эса «Мирзо Улуғбек» драмаларининг майдонга келиши бежиз эмас эди.

Биргина Шайҳзоданинг «Жалолиддин Мангуберди» асари билан «Мирзо Улуғбек»ни бир эслайлик-да, Мақсуд Шайҳзоданинг ўзбек адабиётига қилган хизматини баҳолайлик-чи?! Агар мустақиллигимиз йилларида амалга ошириб келинаётган маънавий меросимизга ҳурмат юзасидан бу икки асарга бир назар солсак, буюк даҳо сифатида Шайҳзоданинг ҳали тарихимизда тутган ўрни етарлича белгиланмаганига яна бир иқрор бўламиз. Мангуберди, Амир Темур, Улуғбеклар номини тилга олишни шўролар ҳукумати бутунлай тақиқлаб қўйган даврларда — Темурийлар авлоди тарихидан драма ёзиш, Жалолиддин Мангубердини биров билиб, биров билмаган, собиқ «иттифоқ»да ҳали ҳеч ким махсус шуғулланишни хаёлига ҳам келтирмаган бир қалтис даврда у ҳақда саҳна асари ёзишни бир кўз олдимизга келтирсак, Шайҳзоданинг донишманд-даҳолиги-ю шу билан бирга жасорати, худди Жалолиддин Мангуберди сингари қаҳрамонлигини ҳам тушуниб етамиз.

Зеро, 50-йиллардаги қизиллар қатлиомида — Шайҳзоданинг ҳибсга олингани, Ойбекнинг тилдан қолгани — софдил инсонлар қалбини абадий ўртайди, бизнинг ёшдагилар бу фожиаларни умримизнинг охиригача ҳам унутолмаймиз, ҳар сафар алам, изтироб, афсус ва надоматлар билан эслаймиз. Ҳар эслаганда — буюк Истиқлолимизга эътиқодимиз, Шайҳзода ва Ойбек каби даҳоларимизга ёвузлик қилганларга нафратлар ўқиймиз!.. Бусиз яшашнинг маъноси ҳам йўқ бўлса керак!

Ростини айтганда, ижодий иш билан шуғулланувчи ҳар бир шахс бирор мавзуда ёзадиган бўлса, албатта, унга йўл-йўлакай ўз муносабатларини истар-истамас баён қилиб қўяди. Ҳар бир воқеа-ҳодиса ёки тарихий вазиятга қарашлари ўша ишида акс этиб туради. Агар Қодирий, Ойбек ва уларга ҳамфикр замондош бўлганларнинг тақдири, бошларидан кечирганларини ҳар сафар эслаганда — ижтимоий тузумнинг нобоплигидан тортиб, ўша адолатсизликларга хизмат қилишга доим тайёр турган, Юртбошимиз иборалари билан айтадиган бўлсак, сотқин — «лаббайчилар» ҳам кўз ўнгимиздан бирма-бир ўтаверади...

Агар инсоният жамияти ўз тараққиёт босқичининг катта бурилиш даврларида нега тарихий мавзуларга мурожаат қилади, деган саволга жавоб берадиган бўлсак, айни бу мавзунинг тарбиячилик моҳияти очилаверади. Биз ўтган сафарги суҳбатимизда Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романидаги айрим лавҳаларнинг яратилган даври-ю бугунги тарбиявий аҳамияти устида қисман тўхталиб ўтган эдик. Бу сафар шу фикр-мулоҳазаларимизни яна давом эттирамиз...

Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди.

Ислом КАРИМОВ

30-йилларда тарихий мавзуларда бир қатор шеърий асарлар, достонлар, илмий ишлар ёзган Ойбек энди «Қутлуғ қон»ни ёзади, иккинчи жаҳон уруши қизиб турган йилларда эса «Навоий» романини ёзди. «Қутлуғ қон»даги ғоялар тўқнашувига оид гапларни бир томонга йиғиштириб асар моҳиятига чуқурроқ кирсак, янгидан-янги қирралари очила боради. XX асрнинг 10-йиллари Туркистон халқи бошига тушган фожиалар тўла ифоласини топган. Уруш келтирган вайроналик, қашшоқлик, зиддиятлар — Йўлчини қишлоқдан иш излаб шаҳарга олиб тушишини бир эслайлик. Йўлчидаги ўзбекка хос иззат-нафс, йиғитлик ғурури, софдиллилик, самимий муҳаббат ва ўз бахти учун курашдаги жасоратлар — ажойиб миллий фазилатлар тарзида хотирамизда муҳрланиб қолмаганми? Чор босқинчилари амалдорларнинг маҳаллий аҳоли устидан ҳукмронлиги-чи?! Бутун ўлкамизда ҳокимиятни ўз қўлларидан чиқармаслик учун олиб борган хунрезликлари-ю зулмга қарши кўтарилган исёнларда — Йўлчининг қиёфаси нақадар улуғланиб намоён бўлишигача ҳаммаси — тарихнинг тарбиячилигини бадиий акс эттиришда ғоят яққол кўринади...

Уруш даврида ёзилган «Навоий» романида эса, биз яна бир ғоят муҳим маънавий оламга дуч келамиз. Мамлакатда тинчлик ўрнатиш — ҳар бир ҳукмрон шахс фаолиятининг туб ўлчовидир дейилса, хато бўлмаса керак.

XX асрнинг 40-йилларида инсоният бошидаги энг катта фожиа — иккинчи жаҳон уруши бўлди. Шундай қалтис, ўта зиддиятли даврда — Ойбек «Навоий» романи воситасида — Темурийлар даврининг бутун фазилатлари-ю Темур вафотидан кейинги фожиаларни жуда билимдонлик ва юксак бадиий маҳорат билан тасвирлаб берди. Аҳиллик, ўзаро тотувлик, дўстона муносабатлар ўрнатилмаган ҳудудларда эл-юрт вайрон бўлиши муқаррар деган ғоя романнинг бош мақсадини белгилайди.

Давлатнинг яхлитлиги, мустаҳкамлигини сақлай олиш барқарорликни таъминлайди, барқарорлик эса тараққиётни белгилайди деган дунёқарашни ифодалаш билан бирга, унда буюк шахслар ўрни ҳал қилувчи аҳамият касб этишига катта урғу берилади... Агар биз романдаги айрим аниқ лавҳаларни келтирмай туриб, унинг туб моҳиятига назар ташлайдиган бўлсак ҳам, романда тасвирланган воқеаларнинг бугун ҳам нақадар тарбиявий аҳамияти юксаклигига амин бўламиз.

Яна бир муҳим нуқта — агар биз романнинг бошидан охиригача кечган воқеа-ҳодисаларни, энг майда лавҳалардан катталаригача эслаб қарасак — унда буюк бобомиз Алишер Навоий ва унинг ҳамфикрлари қиёфалари бутун борлиғи, салобати, ўз элюрти тинчлиги, тараққиёти, халқлар ўртасида тотувликни ўрнатиш учун олиб борган курашлари-ю иймон-эътиқодда мустаҳкам туриш, ўз ғоялари учун курашдаги жасорат-у фидойилик намуналарини ҳамон ҳайрат, ҳаяжон, самимий муҳаббат билан кузатиб борамиз...

Барча даврларда бўладиган зиддиятлар, манфаатпарастлик, ҳокимият талашиш, ундаги гуруҳбозлик, шахсий бойлик орттириш учун ҳар қандай пасткашликлардан тоймасликдек иймонсиз, инсофсизликлар тасвирини ҳам кўрамиз. Жулмадан, Мажидиддин билан Навоий ўртасидаги зиддиятлар тасвири, Тўғонбек образидаги манфаатпараст, пасткаш амалдорлар қиёфаси, Диллор билан Арслонқул ўртасидаги муҳаббат, уларнинг юрт ободлигида фидойилик билан иштирок этишлари — бирортаси бугун ҳам, эртага-индинга ҳам эскирмайди... Романнинг ёзилганига ярим асрдан ошди, аммо қачон ўқисангиз, худди бугун кўз олдингизда бўлиб турган воқеалар сингари қизиқиб ўқийверасиз... Уни ўқиган сарингиз — Ойбек сиймоси қалбимизни тобора кўпроқ мафтун эта боради. Бу буюк шахс тимсолида худди бобомиз улуғ Алишер Навоийнинг бизга замондош қиёфаси бутун борлиғи билан кўз олдимизда намоён бўлаётганга ўхшайди. Зеро, Ойбек бизнинг бугунги Навоиймиз десак, хато бўлмаса керак. Бу романда Ойбек Темурийлар давлат тизими ҳаёти тимсолида — ижтимоий тараққиёт жараёнлари, инсоният фаолиятининг жамиятда тутган ўрни, муносабатлардаги мураккабликлар, ижобий-салбий кучлар ўртасидаги курашларда адолат, иймон-инсоф билан, адолатсизлик, иймонсизлик, инсофсизлик билан тўқнашувларини, фақат ўз манфаатидан бошқа ҳамма нарсадан кечишга тайёр турган ёвузлар қиёфаларини ҳам чизиб беради. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўз халқи, ватанига садоқат билан яшашнинг намуналари — Ватанни севишнинг энг олий инсоний нуқталарини ўзида мужассам этган Алишер Навоий, унинг ҳамфикр замондошлари изидан боришга бутун борлиғи билан интилаётган Султонмурод каби сиймоларни китобхон бир умрга севиб қолади. Уларнинг барча хатти-ҳаракатлари — тинчлик, тараққиёт, инсоният бахти, ватанга самимий муҳаббат ҳис-туйғулари билан шундай йўғрилганки, ҳамон бирор жумласини бугунги дунё учун, ўзимиз учун, республикамизда адолатли ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш учун эскирмаган, балки ғоят ибратли маънавий мерос бўлиб хизмат қилаётгани ҳайратга солади... Мана бу жумлаларга эътибор қилинг-а:

«Султонмурод дўстини табассум билан тинглаб, Ҳиротнинг баҳорда тоза ҳусн билан яшнаган ажойиб манзараларига суқланиб қарар, шодликдан, ҳисларининг шўҳлигидан кўкси тўлиб тошарди. У Ҳиротни севарди. Бутун атрофи муаззам кунгирадор қўрғон билан ўралган бу катта шаҳарда улуғ мадрасалар, қўша-қўша адил, юксак миноралари тиниқ зангори самога узатган масжидлар, санъатнинг бутун мўъжизалари билан безалган бой саройлар ҳам боғчалар, чаманзорлар ўртасидаги енгил, ҳавоий кўшклар, кошоналар, сарвзорлар орасида кумушланган катта ҳовузлар, улуғ одамларнинг, «азиз авлиёлар»нинг ҳамиша улуғвор сукунатга қўмилган тоза, чиройли мақбаралари ва ҳоказо, кўп эди. У бу шаҳарнинг тарихи билан қизиқиб, унинг эски бинолари, мадрасалари, бозорлари, қўприкларига доир маълумотларни эски қўлёзмалардан, васиқалардан, афсоналардан тўпламоққа бошлаганди. Бир йил-бир ярим йил ичида у тарихий гўзал бинолар ҳақида ўнлаб, Ҳирот ҳақида эса юзлаб байтлар, рубоийлар тўплай билди. Ҳиротнинг улуғлиги, гўзаллиги, аҳамияти ҳақида ҳамма қаламлар ҳамфикр эди».

Султонмурод тўплаган бир рубоийда Ҳирот шундай улуғланади — форс тилида ёзилган сатрларнинг мазмуни: «Ҳирот дунёдаги ҳамма шаҳарларнинг кўзи ва чиройидир. Жаҳон бамисоли бадан бўлса, Ҳирот унга нисбатан тождир». (Ойбек, «Навоий» романи, Ўздавнашр. 44 йил, 16-17-бетлар).

Биз келтирган лавҳа кимни қандай ҳаёлга чорлайди? Тафаккур ила ҳар ишни қилган одамизод — Темурийлар даврида гуллаб-яшнаган Ҳиротни бугун қай аҳволга солмади? Нега унинг боши узра йигирма йиллаб хунрезликлар, фожиалар кезади? Нега бу жаннатмакон маскан бугун жаҳонда энг кўп — яъни 75 фоиз миқёсида гиёвандлик моддалар етиштиришга ружу қилди? Нега у Марказий Осиёда энг хавф-хатарли ерга айланиб қолди? Алишер Навоий, Султонмуродлар мадҳ этиб тўймаган бу гўзал водийнинг бугуни шу аҳволда бўлса, эртаси нима кечаркин? Бундай саволлар ҳозир ҳар қандай софдил инсон қалбини тўлғантирмай қололмайди... Негаки, Ер юзи ягона, барча одамларга, турли-туман жонзотларга баб-баробар берилган эмасми? Уни сақлаш, обод қилиш ўрнига вайрон қилишдек катта гуноҳ бормикан ўзи?

Биз ана шу саволларимизга буюк адибимиз Ойбекнинг «Навоий» романидан шундай жавоблар топамизки, буюк аждодларимизнинг ғоят юксак иймон-инсоф билан яшаб ўтганлари, ўзларидан битмас-туганмас, абадий барҳаёт, бебаҳо маънавий хазина қолдирганларига тобора чуқур иззат-ҳурмат билан қарашга, интилишга даъват этади, илҳомлантиради, эртанги кунимизга ишонч, ҳавас уйғотади ва энг муҳими — келажакдаги ҳаётимиз бизнинг қандай йўл тутишимиз билан боғлиқ эканлигини ўргатади.

Маънавий меросимизнинг миллийлиги ҳам, умуминсонийлиги ҳам, бебаҳо қадриятлардан иборатлиги ҳам шунда бўлса, ажаб эмас...

Аҳмад АЛИЕВ.

КЕЛАЖАГИ БУЮК ТОШКЕНТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йўлбошчимизнинг: **«Агарки, мендан «Сизнинг раҳбарлик фаолиятингиз йилларида қилган энг муҳим, энг буюк ишларингиз нималар бўлди?» — деб сўралса, мен шундай жавоб берар эдим:**

Мана шу Ўзбекистон дейилган муқаддас заминда яшаётган инсонларни қадрладим, ардоқладим.

Ўзбек миллати, ўзбек халқи номини улуғладим, бутун дунёда унинг ҳурматини жойига қўйдим. Бу менинг ҳаётим маъноси, умрим мазмунига айланиб қолган, деган сўзлари юқоридаги фикримизнинг далили бўла олмайдими?

Ҳайит куни маҳалламизнинг энг кекса, нуроний отахонларидан бири Исоқ бобони қутлагани кирдик. У кишидан: «Эртага бўладиган сайловда ким учун овоз берасиз», деб сўраганимизда, отахон: «Фақат Ислом Каримов учун», дедилар қатъий қилиб.

— Қалби меҳрга тўла бу инсоннинг юз-кўзларидан нур ёғилиб туради. Шунинг учун бўлса керак мен бу кишининг телевизорда чиқишларини ҳамиша кузатиб бораман. Газета саҳифаларидаги нутқларини ўқиб, бир олам завқ ва шавқ оламан. Сабаби бу инсон одамлар дилидаги гапни топиб гапиради, — дедилар отахон тўлқинланиб, қандайдир ички бир ҳиссиёт билан.

Бир зум ўйланиб қолдик. Ва ниҳоят дили пок, қалби гўзал, эл дарди билан куйиб, ёнадиган Юртбошигина халққа манзур бўладиган сўзларни айта оладида, деган қарорга келдик.

Қарангки, Худо ўзи севган бандасига умрининг қайсидир бир йилларида синов тариқасида катта-кичик мансабни инъом этар экан. Хўш, у бу ишончни оқлай оладими? Халқнинг корига ярай оладими? Ҳаётнинг мураккаб синовларидан ўта оладими? Яратганга хуш келадиган ишлар қила оладими? Мана шу имтиҳонлардан муваффақиятли ўтган инсоннигина ёрлақаб, унинг қўлига бошқарув жиловини тутқазиб қўяр экан. Шу жиҳатдан қараганда Юртбошимиз нафақат халқнинг ҳурмат-эътиборига сазовор, балки Худо сийлаган инсон ҳам экан.

Бугун буюк мутафаккир Алишер Навоий номидаги Миллий боғ, муҳташам Амир Темур ҳайкали, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Хотира майдони, Бобур боғи, бир-биридан гўзал меҳмонхоналар, Давлат марказий банки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Олий Мажлис бинолари кимнинг ҳам ҳавасини келтирмайди, дейсиз?

Бугун тобора чирой очиб бораётган Эски шаҳарнинг Қорасарой, Сағбон, Форобий кўчалари ва унинг атрофидаги замонавий бинолар кимнинг эътиборини ўзига жалб этмайди?

Ўлкамиздаги машинасозлик заводлари, минглаб қўшма корхоналар эртанги кунимизнинг порлоқ истиқболи эмасми? Пойтахтимиздаги энг йирик ўқув даргоҳи Тошкент Давлат университетининг Ўзбекистон Миллий университети номи билан юритилгани маданий ва маърифий ҳаётимиздаги катта воқеа эмасми?

Йилларимизнинг гўзаллигини айтмайсизми? Оила йили, Аёллар йили, Соғлом авлод йили. Буларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, омухта тушунчалар эмасми?

Хулоса шуки, Юртбошимизнинг ушбу нутқлари бизга ҳам маънавий, ҳам маданий озиқа беribгина қолмай, балки шаҳримизни янада улуғлашга, унинг шаънини элларо тобора кенг таратишга, тошкентлик деган номни қадрлашга ундайди. У ҳеч шак-шубҳасиз ёрқин келажагимизнинг дастуриламали бўлиб хизмат қилади.

«Шундай гўзал ва муқаддас юртнинг, шундай буюк халқнинг фарзанди эканимдан, унга хизмат қилиш бахтига муяссар бўлаётганимдан фахрланаман, ризқ-насибамни шу азим шаҳарга сочгани учун Оллоҳга шукроналар айтаман». Юртбошимизнинг ушбу сўзлари ҳаммамизга тааллуқли.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига муборак Рамазон ҳайити муносабати билан жаҳондаги давлатларнинг раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқларидан самимий қутловлар битилган табрик телеграммалари келиб турибди.

• Янги йил арафасида Саудия Арабистонининг машҳур «Дор ул-Салом» нашриёти «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини нашр этди. Араб тилида чоп этилган китобга Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» ҳамда «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» асарлари киритилган. Китоб «Ўзбекистон» нашриёти билан ҳамкорликда нашрга тайёрланган.

• Алишер Навоий номидаги академик Катта театри биносида республикамизда истиқомат қиладиган корейс миллатига мансуб фуқароларнинг «Ислом Каримов билан XXI асрга» мавзуида сиёсий акцияси бўлиб ўтди.

• Пойтахт вилоятининг Зангиота туманида жойлашган Тошкент гўшт комбинатида «Ройл-Фуд-Тошкент гўшт» Ўзбекистон — Ирландия қўшма корхонаси иш бошлади.

ЖАҲОНДА

• **Бугун** Озарбайжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиевнинг Туркияга икки кунлик сафари бошланди.

• **Бугун** Ҳиндистонда халқаро кинофестиваль очилади.

• Россия мамлакатидаги йирик газ компанияси бошқаруви раиси Рем Вяхиров, агар Владимир Путин президентлик сайловида ўз номзоди билан иштирок этса, шак-шубҳасиз компания уни қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

• Красноярскда бўлиб ўтган Янги йил базмида Александр Лебедь матбуот аҳлига қарата, мен президентлик сайловида номзодимни қўймайман, деб айтди.

• **Бугун** Қозоғистонда «Миг» қирувчи самолётларини Жанубий Кореяга сотиш юзасидан келишув бошланди.

• Хорватияда парламентнинг қуйи палатасига сайлов бўлиб ўтди. Унда ҳукуматни бошқараётган Хорватия демократик ҳамдўстлиги ХДҲ партияси мағлубиятга учради.

• Россиянинг Ливандаги элчихонаси террорчилар томонидан ўққа тутилгани боис, Ливан ҳукумати тезкор мажлис чақирди.

• **Кеча** Москвада «Қандолатчи юлдузлар — учинчи минг йилликка» деб номланган жаҳон халқлари фестивали бошланди. Унда 24 мамлакатдан келган 200га яқин қандолатчилар қатнашмоқда.

• АҚШда Исроил ва Сурия ўртасида тинчлик ўрнатишга бағишланган музокаралар бўлиб ўтмоқда.

• Чикаго Булс клубининг моҳир ҳужумчиси Скот Пиппен Миллий баскетбол ассоциацияси анъанавий чемпионати мавсумидаги энг яхши баскетболчи деб топилди.

• **Кеча** Новодевичье қабристонида рақс санъатининг улуғ намояндаси Маҳмуд Эсонбоевни дафн этиш маросими ўтказилди.

Покланиш

ИЙМОН-ЭЪТИҚОД БАЙРАМИ

Бутун ислом оламидаги каби республикамиз мўмин-мусулмонлари ҳам улуғ саволлар йўлида яхши ниятлар ила ўттиз кун давомида рўза тутишиб жисмларини поклашди. Ўтган шанба куни мустақил мамлакатимизнинг барча гўшаларида ислом оламидаги энг улуғ байрамлардан бири — Ийд ал фитр-Рамазон ҳайити файз ва баракот ила нишонланди.

Шу куни эрта тонгдан янграган азон садолари барча мусулмонларни масжидларга чорлади. Шаҳримизнинг барча масжидларидаги каби Хастимом жоме масжидида ҳам минглаб мусулмонлар ҳайит намозини ўқиш учун тўпланишди.

Дастлаб Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг раиси муфтий Абдурашид қори Баҳромов бошчилигида аҳли жамоат бомдод намозини ўқиди. Сўнг муфтий ҳазратлари Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Рамазон ҳайити муносабати билан йўллаган табриги барча мўмин-мусулмонларнинг кўнгилларини бениҳоя шод айлаганлигини айтиб ўтди.

— Мустақиллигимиз шарофати билан ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов жанобларининг одилона тинчлик сиёсати туфайли Ватанимизнинг барча мўмин-мусулмонлари эмину эркинликда ихлосу эътиқод билан муқаддас ислом динимизнинг бешта арконларини адо этиб келишликка муваффақ бўлмоқдалар, — деди жумладан муфтий ҳазратлари. — Соғлом авлод йилида ҳам юртимизда тинчлик-осойишталик, файзу баракот ҳукм сурсин, барчамизга иймон, эътиқод ёр бўлсин.

Сўнг икки ракатлик ҳайит намози ўқилди. Намоздан кейин Ватанимиз мустақиллиги бардавом бўлиши, ривожланиши, гуллаб-яшнашини яратган Аллоҳдан сўраган ҳолда дуою фотиҳалар қилинди. Бева-бечора, мискинлар учун фитр садақаларини берган мусулмонлар муборак Рамазон ҳайити байрами билан бир-бирларини қутлашди.

Ҳайит намозидан сўнг Хастимом жоме масжидига ташриф буюрган Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимир йиғилганларни Рамазон ҳайити билан табриклади.

Шу куни юртимизнинг барча мўмин-мусулмонлари қариндош-уруғлар, ёру биродарларни, хаста ётган кишилару табаррук кексаларни зиёрат қилишиб, ҳайит айёми билан табриклашиб, ҳолу аҳвол сўрашди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

Шаҳримиздаги 9-ўрта мактаб ўқувчилари республикамиз бўйича энг яхши мактаблар ўртасида фахрли биринчи ўринни эгаллашди. СУРАТДА: мактаб директори Гавҳарой Каримова диплом билан.

Равиль Альбеков олган сурат.

Мурувват ўн кунлиги

БОЛА КУЛСА — ОЛАМ КУЛАДИ

Юртимизда Президентимиз ташаббуслари билан Янги йилнинг дастлабки кунларида Мурувват ўн кунлигининг ўтказилишини халқимиз ғоят шодлик ва самимийлик билан кутиб олди. Шаҳар касаба уюшмалари Кенгаши ҳам бундай хайрли ва ибратли ишда фаол қатнашди.

Жумладан, «В. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» Давлат акциядорлик жамиятида корхонанинг кам таъминланган оилалари фарзандларидан 300 нафарига, 103-мактаб интернат ўқувчиларидан 200 нафарига, бирлашма болалар шифохонасида даволанаётган барча 120 нафар беморга, «Меҳрибонлик» жамияти ҳисобидаги етим ва ногирон болаларга 200 та бепул Янги йил совғалари топширилди. Шаҳар Кенгаши ўз маблағлари ҳисобидан февраль воқеаларида ва жамоат тартибини сақлаш пайтида вафот этган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ва фарзандларидан 150 нафарига умумшаҳар арча байрами томошаларига чипталар ва Янги йил совғаларини ажратди. Чернобиль фалокатида ҳалок бўлган Тошкент шаҳар аҳолисининг фарзандларига 300 дона Янги йил совғасини топширди, байналмилал ҳарбийларнинг ҳуқуқини тиклаш жамиятига умумшаҳар Янги йил арча байрамига 100 дона чипта олиб берди, ногирон болаларнинг «Умид» жамиятига 50 дона Янги йил совғаси, 24-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчи болалардан 160 нафарига байрам совғалари топширилди.

— Шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг белгилаган тадбирларида ҳар бир касаба уюшмаси ташкилоти томонидан кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ночор фуқароларга, меҳнат фахрийлари ва ногиронларга, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларга, шифохонада даволанаётган беморларга маънавий ва моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган эди, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг раиси Мирзоҳид Содиқов, — Бу тадбирларнинг ҳаммаси намунали равишда амалга оширилди. Бинобарин, Тошкент Давлат циркида таътил кунларида умумшаҳар арча байрами томошалари уюштирилди. Унинг чипталарини ҳар бир меҳнат жамоаси мустақил равишда касаба уюшма бюджети маблағлари ва хўжаликлар, ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан сотиб олдилар. Циркда уюштирилган томошалар тўрт сеансдан иборат бўлди ва унда 160 минг нафар мактаб ўқувчиларига хизмат кўрсатилди.

Шунингдек, арча байрами томошалари темирйўлчиларнинг «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятларининг, «Тошқишлоқмаш» ва «Қизил тонг» акциядорлик жамиятларининг маданият саройларида, В. Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуасида ва бошқа қатор театр ҳамда концерт саройларида ҳам ўтказилди.

— Янги йил совғалари «Туфин» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси томонидан тайёрланиб, унинг қандолат маҳсулотларидан иборат бўлган совғаларини хўжалик ташкилотлари ўз маблағлари ҳисобидан пул ўтказиш йўли билан харид қилдилар, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг бўлими мудири Асқарали Султонов. — Пойтахт шаҳри, корхона ва ташкилотлари ўз ҳисобларидан Янги йил совғалари учун 110 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф қилдилар.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида шаҳар меҳнаткашлари фарзандларининг 800 нафарига қишки оромгоҳлар ташкил этилди. Мазкур оромгоҳларда ўқув машғулотларини ўтказиш ва дам олиш мақсадида болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг 100 нафар ўқувчиларига ҳам имтиёзли равишда йўлланмалар ажратилди.

Ҳа, меҳр-мурувват одамларни бир-бирига яқинлаштиради, кўнгиллардаги раҳм-шафқатни кўпайтиради, маънавий жиҳатдан бойитиб, саховат деб аталмиш бетакрор гўзаллик оламни асрайди.

Муҳтарам Президентимиз айтганларидек, «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган ҳикматга амал қилиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Улуғбек ПЎЛАТОВ,
Дилором ИКРОМОВА.

Мурувват ўн кунлиги доирасида шаҳримизнинг барча туманлари қатори Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан ҳам жойларда меҳр-мурувват тадбирлари ўтказилди. Тумандаги Меҳрибонлик уйларига дори-дармон, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига кийим-кечак, Афғонистон, Чернобиль фалокатларида ногирон бўлиб қолган фуқаролар уйларига бориб меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

СУРАТЛАРДА: ана шу тадбирлардан лавҳалар тасвирланган: туман ҳудудида жойлашган «Нуронийлар оромгоҳи»да дам олаётган Р. Шарипов, Л. Давидова, Л. Қаюмовалар ҳузурида; кам таъминланган Фотима Пўлатова оиласида.

Сергей Любчич олган суратлар.

КЕКСАЛАР КЎНГЛИ ШОДЛАНДИ

Келажагимиз бунёдкорлари бўлмиш мактабларимиз ўқувчилари ҳам мурувват ўн кунлигида ўз маънавий ва моддий кўмаклари билан фаол иштирок этмоқдалар.

Хусусан, Собир Раҳимов туманидаги 261-мактабнинг ушбу ўқув юрти раҳбарининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Нодира Мавлонова бошчилик қилаётган «Ёш ватанпарварлар» ўқувчи-ёшлар уюшмаси аъзолари ва «Мафтункор қизлар» клуби аъзолари синф раҳбарлари М.Тошмуҳамедова ва Ф.Тошмуҳамедовалар етакчилигида уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига ўз совға-саломлари билан бориши, у ерда даволанаётган кексаларимиз кўнгилларини сўрашди.

Қизғин мулоқот давомида кекса отахон ва онахонларимиз болажонларга қимматли насиҳатлар қилишди, улар иштирокидаги қизиқарли концерт дастурини мириқиб тинглашди.

Дамир ИЛЁСОВ.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ВА НОГИРОНЛАРГА СОВҒАЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимининг мурувват ўн кунлигида тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси ташаббуси ва кўмагида барча туманларда мурувват ҳамда саховат ишларини амалга оширишга катта эътибор қаратилди.

Айниқса, шаҳримизнинг энг кенжа Бектемир туманида амалга оширилган ишлар диққатга сазовордир. Бу ерда кам таъминланган, кўп болали оилаларга 231 минг сўм пул ва иккита ногиронлар аравачалари топширилди. «Нуроний» жамғармасининг Бектемир туман бўлими томонидан эса 37,7 минг сўм пул ва учта товуш кучайтирувчи аппарат муҳтож кишиларга берилди. «Сувсоз» маданият саройида кам таъминланган оилалар болалари ва ногиронлар учун совғалари билан Янги йил байрами ўтказилди.

Сергели туманида 71 нафар ногирон ва ёрдамга муҳтож болалар учун Янги йил арчаси ташкил этилди. Миробод туманида 100 га яқин оилаларга 43 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Яккасарой туманидаги «Паризод» ҳиссадорлик жамияти 60 та болани кийим-кечаклар билан таъминлади. Чилонзор туманидаги 4-интернат тарбияланувчиларига «Пахтабанк» орқали телевизор ва видеомагнитофонлар совға қилинди. «Совпластитал» қўшма корхонаси ногирон аёлларга 47 минг сўмлик гулларни тақдим этди.

Юқорида амалга оширилган мурувват тадбирларидан ташқари шаҳар ижтимоий-таъминот бошқармаси бошчилигида барча туманлардаги кам таъминланган, кўп болали оилалар болалари ҳамда ногиронларга арча байрамлари учун бепул таклифномалар берилди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ЮРТНИ АСЛ ФАРЗАНДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ

Она Ватан. Бу сўз қанчалар муқаддас ва мўътабардир. Мамлакатимиз мустақилликка эришиб, она Ватан тушунчасининг мазмун ва маъноси янада кенгайди. Халқимиз азал-азалдан ватанпарвар. Ана шу гўзал туйғу фарзандларимиз қалбига гўдакликдан она алласи билан кириб келади. Уларнинг қонига, бутун вужудига сингади.

Бугунги кунда ёшларимизни ўз Ватанига, халқига чексиз садоқат руҳида тарбиялаш, ҳақиқий ватанпарварлар қилиб вояга етказиш ва камол топтириш долзарб масалалардандир. Жамоатчи мухбиримизнинг Собир Раҳимов туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, полковник Тўлқин АҲМЕДОВ билан суҳбати шу мавзуга бағишланди.

— Тўлқин Мавлонович, фуқароларни кузги муддатли ҳарбий хизмат ва муқобил хизматга чақириқ ишлари туманда қандай якунланди? Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Кузги чақириқ ҳар галгидек Ўзбекистон Республикасининг умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонуни асосида октябрь-ноябрь ойларида ўтказилди. Чақириққа тайёргарлик ва уни вақтида амалга ошириш режага мувофиқ олиб борилди. Аввало зарур ҳужжатлар вақтида ҳозирлаб қўйилди. Чақириқни ўтказишга жалб этилган шахсий таркиб билан методик машғулотлар ўтказилди. Пухта ҳозирлик кўрилганлиги туфайли кузги чақириқ комиссияси иши ижобий якунланди, десак муболаға бўлмайди.

Ёшларимизнинг бир қисми ҳарбий хизматга жўнатилди, маълум қисми муқобил хизматда қолдирилди. Ҳарбий хизматга юборилган ёшларнинг кўпчилиги турли мутахассисликларга эга. Ҳайдовчи-электрмеханик, ҳайдовчи-кондиционерчи, ультра қисқа тўлқинли радио станциялари механиклари, парашютчилар, радиоалоқачилар ана шулар жумласидандир. Улар ҳарбий хизматга чақирилгунга қадар Мудофаага Кўмаклашув «Ватанпарвар» ташкилоти мактабларида таълим олишган. Шунингдек, чақирилувчилар орасида олий маълумотли йигитлар кўпчиликни ташкил этади. Шуниси қувончлики, улар ҳарбий хизматга ўз хоҳиш-иродалари билан келишяпти. Келажакда ўз тақдирларини армия билан боғлаб, Мудофаа вазирлиги қисмларида зобитлик вазифаларида ишлаб, ўғлонларимизни ҳақиқий ватанпарварлар қилиб тарбиялашдек олийжаноб ишга ўз ҳиссаларини қўшишни мақсад қилиб қўйишган. Шунингдек, миллий хавфсизлик хизмати, ички ишлар, божхона идораларида ишлаш ниятидалар.

— Чақириқни муваффақиятли ўтказишга жамоат ташкилотлари қандай ёрдам кўрсатишяпти?

— Албатта, ҳар бир ишда ҳамма бир ёқадан бош чиқаргандагина ижобий натижага эришиш мумкин. Туман ҳокимлиги бу борада катта ташкилий ишларни амалга оширганини алоҳида таъкидлаш лозим. Чақириқ даврида ва уни ўтказиш мобайнида туман ҳокимияти чақириққа жалб этилган маҳалла қўмиталари, ички ишлар бошқармаси участка нозирлари билан кенгашлар ўтказди. Улар олдига аниқ вазифалар қўйди. Иш натижаларини мунтазам кузатиб борди.

Ички ишлар бошқармаси ходимлари, маъмурий идоралар, маҳалла қўмиталари оқсоқоллари ҳам бу ишга яқиндан ёрдам кўрсатишди. Маҳалла оқсоқоллари чақириқ қоғози берилган чақирилувчиларнинг ота-оналарини йиғиб, улар билан суҳбатлар ўтказишди. Фарзандларимиз бегона юртларда эмас, ўз диёримизда хизмат қилишларини, Ватан ҳимояси — ҳар бир фуқаронинг муқаддас конституциявий бурчи эканлигини тушунтирдилар. Абдулла Набиев, Аллон, Бирлик, Иброҳим ота, Гуручариқ, Намуна, Наврўз, Ҳамза, Табассум, Обод, Амир Темур, Ёшлик, Мустақиллик маҳаллалари ана шулар жумласидандир.

Лекин туман соғлиқни сақлаш бўлими, қатор маҳаллалар умумдавлат аҳамиятига молик бу ишда сусткашликка йўл қўйишди. Чақирилувчиларни соғломлаштириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги ачинарли ҳол. Ваҳоланки, ўсмирларни даволовчи шифокорлар мунтазам улар саломатлигини кузатиб боришлари зарур.

— Ватан ҳимоячилари байрами муносабати билан мудофаа бўлимида қандай тадбирлар амалга оширилди?

— Бу тадбирнинг ўтказилаётганлиги йигитларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бўлимимиз офицерлари ана шу тадбирларда фаол қатнашишга интилмоқдалар. Улар мактабларда, ўқув юртларида бўлиб, турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ўтказишяпти. «Ватан ҳимояси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муқаддас бурчи», «Ўзбекистон халқларининг Ватан ҳимояси бўйича жанговор анъаналари» каби мавзулардаги суҳбатлар ёшларда яхши таассурот қолдирди. Суҳбат давомида мамлакатимиз ҳарбий доктринаси масалалари, умумий ҳарбий хизмат ҳақидаги республика Қонунида белгиланган ҳуқуқ ва имтиёзлар масалалари кўтарилди. Бундай тадбирларни маҳаллаларда ҳам ўтказиш мўлжалланяпти.

Туман ёшларини ҳаёт мактаби, чиниқиш мактаби бўлган Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилишга тайёрлаш ишига ўз ҳиссамизни қўшиш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолади.

Суҳбатдош Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА.

Фахрийларимиз

ИСТЕЪДОДЛИ ҲАРБИЙ ИЖОДКОР

Мустақиллик шарофати билан ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги, кўпчилик бўлиб, сафда айтиладиган мардонавор куй, қўшиқлар яратиш ва ижро этишга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Истеъфодаги тиббий хизмат подполковниги, Қуролли Кучлар фахрийси, соғлиқни сақлаш аълочиси, «Оқшом»нинг 34 йиллик фаол муаллифи Искандар Раҳмон ҳам бу борада самарали ва фаол меҳнат қилмоқда. Унинг бир қатор ҳарбий мавзудаги очерклар ва ҳикоялар тўпламлари, шеърий китоблари кенг ўқувчилар оммаси, айниқса, ҳарбийлар ўртасида катта эътибор қозонди. Искандар Раҳмоннинг қаламига мансуб бўлган 50га яқин шеърлар қўшиққа айланиб, таниқли хонандалар томонидан ижро этиб келинмоқда.

Шуни айтиш керакки, Искандар Раҳмон турли ҳарбий қисм ва бўлинмаларда Ватанимиз посбонлари билан тез-тез учрашиб, уларни мард, фидойи, жасур ва ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш ишларида ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Ана шундай учрашувларнинг самараси ўлароқ Искандар Раҳмоннинг яна бир янги шеърлар ва қўшиқлар тўплами нашрдан чиқди. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти чоп этган унинг шеърлар ва қўшиқлар тўплами «Жоним фидо Ватанга» деб номланган. Ушбу тўпламдан ўрин олган шеър ва қўшиқлар армиямиз ва халқ бирлигини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимиз қудрати ва салоҳиятини янада ошириш, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ва юртга садоқат билан хизмат қилишга чорлайди.

Биз истеъдодли ҳарбий ижодкор Искандар Раҳмонни унинг янги тўплами билан қизғин табриклаб, унинг ижод намуналаридан бир нечтасини Ватан ҳимоячилари куни олдидан «Оқшом» муштарийларига тортиқ этмоқдамиз.

ЎЗБЕКИСТОН АСКАРЛАРИМИЗ!

Ташлаб дадил, мардона қадам,
Биз майдондан ўтамиз шаҳдам.
Еру само келар ларзага,
Қўшиқ бизга жўровоз, ҳамдам.
Нақарот:
Амир Темур авлодларимиз,
Озод юртнинг Фарҳодларимиз!
Ўзбекистон аскарларимиз,
Ёш, навқирон лашкарларимиз!

Қўлимизга тутганмиз қурол,
Бурчимизни ўтаймиз ҳалол!
Кўкрагимиз қалқон ҳамиша,
Диёримиз кўрмагай завол!
Нақарот:

Ватан — иймон, Ватан жонимиз,
Сарҳадларин мард посбонимиз!
Эл яшасин тинч ва осуда,
Мусаффодур юрт, осмонимиз!
Нақарот:

ЎЗБЕКИСТОН ГЕНЕРАЛЛАРИ

Буюк зотлар элдошларисиз,
Собир Раҳим издошларисиз,
Мард йигитлар сафдошларисиз,
Ўзбекистон генераллари!

Ватанимиз умид кўзисиз,
Кўксидаги чўнг юлдузисиз,
Соф виждонли, ёруғ юзисиз,
Ўзбекистон генераллари!
Нақарот:

Сизга олқиш, Сизга шараф-шон,
Кўкси тўла жанговар нишон,
Юрт посбони, жасур қўмондон,
Ўзбекистон генераллари!
Озод бўстон генераллари!

Улуғ мактаб жасоратингиз,
Ҳарбий санъат, маҳоратингиз,
Ҳарбиёна салобатингиз,
Ўзбекистон генераллари!

Сизлар борки, сафлар мустаҳкам,
Сизлар борки, эллар тинч, хуррам.
Бўлинг сафда саломат бардам,
Ўзбекистон генераллари!
Нақарот:

ЛИБОСИМГА ОШДИ ИХЛОСИМ!

Олий Бош Қўмондоним,
Юртбошимиз, аяжон,
Қисмимизга келдилар,
Дилда ғурур, ҳаяжон!

Менинг билан ёнма-ён,
Битта сафда турдилар!
— Хизмат қалай, ўғлон? — деб,
Ҳолу аҳвол сўрдилар!

Ҳатто кийим-либосим
Кечирдилар назардан!
— Бўлсин миллий ва қулай,
Асрасин хавф-хатардан!

Кўтарайлик, — дедилар, —
Ҳарбий либос қадрини!
Юқтирайлик эл-юртга
Унга ҳавас меҳрини,

Ҳар бир ҳарбий либосин
Севсин қаттиқ жонидан!
Кўрган келиб ҳаваси
Кетолмасин ёнидан!

Шундан сўнг Йўлбошчимга,
Ихлосим, меҳрим ошди,
Касбимга, либосимга
Ҳавасим, меҳрим ошди!

Либосимга бир умр
Бўлиб ошиқ яшайман!
Ҳарбий унвон, касбимга
Бўлиб содиқ яшайман!

Либосимни, аяжон,
Ечмайман ҳеч эгнимдан!
Сизга берган ваъдамни
Чиқармайман кўнглимдан!

Искандар РАҲМОН.

Шарқ дурдоналари

Ўз-ўзў ўрганиб доно бўлур...

◆ Икки дўст орасига душманлик уруғини ташламагинки, улар озгина нарса билан ярашиб кетишади, сен эса ёмон номга эга бўлиб қоласан.

Иқлидус ҳаким.

◆ Отамиз оиланинг узоғини яқин ва йўғини бор қилиш учун доимий ҳаракатда бўлади. У бизнинг яшашимиз учун уй-жой ҳозирлайди, кийдириш учун кийим-кечак топади, борингки, ҳар бир оиланинг равнақи учун биринчи галда ҳаракат қиладиган отадир.

Болалар! Ота-боболаримиз биз учун тер тўкиб ҳаракат қилишини, қўлидан келган барча яхшиликларни биз учун муҳайё этиш йўлида жонжаҳд билан меҳнат қилаётганликларини билишимиз, бунинг шукронаси учун уларга итоатда бўлишимиз, айтганларини қулоқ қоқмай бажаришимиз, отамиз чарчаган онда ва ёрдам керак бўлганда дарҳол ёрдамга шошилишимиз, фарзандлик бурчини ўташ учун ҳамиша шай туришимиз керак.

Ҳар бир фарзанднинг ота-онага ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши, уларга нисбатан шафқат ва марҳаматларини ишга солиши муҳим вазифалардан биридир. Ўз ота-онасини рози қилмайдиган, уларни ранжитадиган фарзанднинг иши ҳеч қачон олға босмайди ва элнинг олдида обрўйи бўлмайди.

Мустафо ҲОМИЙПОШШО.

◆ Тоғни қара, пўлат бағрига қадалмагунча, ичидаги нарсадан кўнгил узолмайди.

◆ Чақимчининг иши бир онда тугайди, аммо фитнаси узоқ давом этади.

◆ Насиҳат ҳақиқий даво, ундан ичган одам ёқимсиз хулқлардан озод бўлади.

◆ Нафсига эр берганнинг мурувват эшиги берк бўлади.

◆ Қаноатли кишида ҳасад бўлмайди.

◆ Хулқи бузулганнинг ризқи узилган бўлади.

◆ Асли тозанинг насли тоза бўлади.

◆ Тама ўлаксадир, унга фақат ўлакса табиатли кишиларгина яқинлашади.

◆ Сўз қуролдир, кимки шу қурол билан жароҳатланган бўлса, уни даволаш қийин.

◆ Кишининг қадр-қиммати одамларга қилган яхшилиги билан ўлчанади.

◆ Элдан ҳаё қилиш, уялиш қандай бўлади? Элдан ҳаё қилиш дейилганда, аввало, уларга озор етказмаслик, ёмон сўзлар билан ҳақорат қилиб, улардан юз ўгирмаслик, сўз билан мурожаат қилганда тескари қараб, ҳижолат қилмаслик, уларнинг табиатини кир қиладиган ва нафратини келтирадиган ҳар қандай сўздан воз кечиш каби сифатлар тушунилади. Агар сен бу ярамас сифатларни ишга солсанг, ундан сен учун ҳеч қандай фойда йўқ. Аксинча, унинг ёмон оқибатлари ўзингга қайтади.

Шу нарсалардан кўриниб турибдики, демак, ҳар бир инсон хоҳ жамоат ичида, хоҳ уйда бўлсин, ўзини сипо тутиши, одамларнинг дилини шод қилувчи сўзларни ишлатиши, ўз фойдаси деб, бошқаларга зарар етказишдан тийилиши, кулиб туриши зарур.

Дунёнинг барча яхшилиги ва шодлиги ҳаётимда барқарор турсин деган одам ва оламнинг ҳамма ёмонлиги, кулфат ва ғами мендан қувилсин деган одам элдан ҳаё қилиш лозимлигини унутмаслиги, ҳар қандай ишга қўл урганда халқ қаршисида уялиб қолмаслик тадбирини кўриши лозим.

◆ Ортиқча таъна ва танбеҳ душманлик туғдиради.

◆ Олдинда ўлим турганини сезишинг ғам ейишинг учун кифоядир. Демак, ҳали ўлим келмаган экан, ўз ғамингни еб қол, одамларга яхшилик қилиш билан номингни яхшилар қаторига қўшиб кет.

◆ Ор-номус либоси одамнинг айбини бекитади.

◆ Сўзи кўпнинг дашном эшитиши кўп бўлади.

◆ Қўлдан кетган нарсага қайғурган киши фикр нуридан ва руҳ сururидан ҳам айрилади.

◆ Фазилатларни энг сўнгги даражасига етказувчи нарса камтарликдир.

◆ Табассум кўнгилда меҳр уйғотади.

Абдулқодир Нурий ал-Барзанжий.

◆ Буқрот Ҳаким айтади: «Камтарликни туядан ўрганмоқ керакки, агар унинг арқонини сичқоннинг думига боғлаб қўйсанг, орқасидан кетаверади ва бундан ор қилмайди. Ботирликни шердан ўрганмоқ керакки, агар уни мингта маст филнинг орасига ташласа ҳам ортга қайтмайди».

◆ Буқрот Ҳакимдан сўрадилар:

— Оловдан ҳам куйдирувчироқ нарса нима?

— Ғазаб! — жавоб берди у.

Яна сўрадилар:

— Ҳамма нарсадан олий ва юқори нарса нима?

— Инсондаги ҳиммат! — жавоб берди у.

Яна сўрадилар:

— Ҳеч қачон вайрон бўлмайдиган бино қайси?

— Адолат биноси! — жавоб берди у.

— Охири аччиқ бўладиган ширинлик нима?

— Шошқалоқлик! — жавоб берди у.

Яна сўрадилар:

— Давоси йўқ касал қайси?

— Нодонлик, — жавоб берди у.

◆ Жолинус ҳаким насиҳати: «Ҳар кимнинг нафси ва орзуси имкон доирасидан чиқса, унинг ҳалокати шунда бўлади. Ҳар кимнинг ҳиммати ва интилиши қўли етмайдиган нарсага бўлса, пайваста ғам ва ранж остида бўлади».

◆ Бойваччада дўстлик, ёлғончида вафо, ҳасадчида роҳат, пасткашда мурувват, эгри ниятли кишида улуғлик бўлмайди.

«Қонуни ҳикмат»дан.

Форс, араб тилларидан Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

Маҳалламизда Аҳмат лайлак деган одам яшайди. У ниҳоятда содда, камтарин, ким нима деса, шунга ишониб кетаверадиган, тўғри кўнгилли инсон. Шу боис у жамоа орасида, қариндош-уруғлар даврасида кўпинча ғалати, баъзан эса кулгили ҳолатларга тушиб қолади. Бироқ булар ҳаммаси табиий равишда рўй беради.

Бу тоифа одамлар турмушда учраб туради. Биз улар тушиб қолган вазиятдан куламиз, аммо бу кулги самимийдир.

Қуйида Аҳмад лайлак бошидан кечирган ғалати воқеалардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Дам олиш куни. Хотиним билан бирга меҳмондорчиликка кетаяпмиз. Хотинимга оғир бўлмасин деб сомса тўлдирилган ва усти дастурхон билан ўралган тоғорани кўтариб олганман.

Мана, автобусдан тушиб, метронинг «Пахтакор» бекатига ҳам етиб келдик. Бу ердан «Собир Раҳимов» бекатигача боришимиз керак. Метрога эскалатор орқали кириб кетаётган ва у ердан чиқиб келаётган одамларга қараб, ваҳиманг келади, гўё бутун Тошкент аҳолиси шу ерга тўпланганга ўхшайди.

Тез орада ҳаммаёқни ларзага солиб, сигнал берганча поезд етиб келди. Қани энди чиқиб бўлса. Одамлар тирбанд. Эр-хотин бир амаллаб вагонга кириб олдик, поезд юриб кетди. Кўлимдаги тоғорани бир қўлим билан зўрға ушлаб турибман, иккинчи қўлим билан эса юқоридаги тутқични маҳкам ушлаб олганман. Одамлар гўё саржин тахлагандек бир-бирига зич ёпишган, қимир этиб бўлмайди.

Рўпарамизда тўрт нафар йигит бир-бирига гап қотиб, хахолаб кулишиб ўтирибди, атрофдагиларга парво қилишмайди. Вагонга кириб келган қарияларга жой бўшатиш уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Чап ёнимда турган бир кампир икки қўли билан менинг билагимдан маҳкам ушлаб олган, чунки унинг қўли тутқичга етмасди. «Наҳотки мана шу ўтирган йигитлар зўрға тик турган кампирни ҳам кўришмаса ва жой бўшатишмаса?!» дея хаёлимдан ўтказдим. Йўқ, улар кўряпти, аммо турғиси келмаяпти.

Аввалига тишимни тишимга қўйиб, жим турдим. Шу пайт поезд радиоси орқали баланд овоз билан эълон эшиттирилди: «Диққат! Эшиклар ёпилади. Кейинги бекат — «Халқлар дўстлиги». Ҳурматли йўловчилар, илтимос, ёш болали, ногирон ва кекса йўловчиларга жой беринг!» Поезд юриб кетди.

Ана шу эълондан сўнг ўзимни тутиб тура олмадим. Менда беихтиёр равишда қандайдир ғазаб пайдо бўлди.

— Ҳой йигитча, эълонни эшитдингми? — дедим рўпарамда ўтирган, оқ кўйлак ва қора костюм-шим кийган, тахминан 20—22 ёшлардаги йигитга мурожаат қилиб.

— Қайси эълонни? — билмагандай сўради у.

— Ҳозир эълон қилиндику, — дедим мен.

— Ҳа, эшитдим, — деди у ва бамайлихотир ўтираверди.

— Эшитган бўлсанг, тур ўрнингдан! — дедим мен қатъий оҳангда, — қаршингда бувинг турипти, унга жой бўшат!

Йигит кампирга тикилганча жойини бўшатди. Бу гап унинг ёнидаги шерикларига ҳам таъсир қилди шекилли, улар ҳам ўринларидан туриб, биз кексаларга жой бўшатишди.

Ўриндиққа ўтиргач, тоғорани тиззамга қўйдим, бир оз нафасимни ростлаб олдим.

— Сизларга мактабда, институтда ўқитувчиларингиз, уйда ота-онангиз таълим бермаганми: «Агар қарияларни кўрсанг, салом бериб ўт, транспортда уларга, шунингдек ёш болали ва ҳомиладор аёлларга, ногиронларга жой бергин» деб?

Йигит миқ этмади.

— Лоақал ўз виждонинг билан иш тутсанг бўлмайдими? — дедим ҳамон жаҳлимни тўхтата олмай.

Шу пайт ёнимда ўтирган хотиним тутақиб кетди.

— Нима қиласиз буларга гапириб, уйида топмаган тарбияни сиздан оладими? Жуда ғалати одамсиз. Бас қилинг бу гапни!

Ҳалиги йигитлар одамлар орасидан астасекин силжиб нари кетишди. Аммо, энди мен хотиним билан тортишиб қолгандим.

— Ахир буларга гапирмаса бўлмайди, миқ этмай ўтираверади. Мен индамасам, сен индамасанг, бошқалар индамаса, ким индаши керак? — дедим асабийлашган ҳолда.

— Бас қилинг, булар Сизнинг болаларингиз эмас! — деди хотиним тортишувга хотима ясамоқчи бўлиб.

— Гапинг тўғри, бироқ гапирмасликнинг ҳам иложи йўқ. Шу тарбия билан булар келажакда ким бўлиб етишади?

— Сизнинг ишингиз нима? Ким бўлиб етишса, етишаверсин.

— Йўқ, биз бунга бефарқ қаролмаймиз. Буларни сен, мен, қолаверса бутун жамоатчилик тарбиялаши керак, ахир.

— Ҳамма бизга қараяпти. Сиз мени исноднга қўйяпсиз. Агар яна бир оғиз гапирсангиз, мен вагондан тушиб кетаман, — деди ниҳоят хотиним зарда билан.

Нима деяримни билмасдим. Ростданам атрофдагиларнинг нигоҳи бизга тикилганини кўриб, ўзимни жуда ноқулай сездим. «Нима қилардим бу гапларни айтиб, шу билан бу йигитлар тарбияланиб қолармиди?» деб ўйладим. Энди меҳмондорчиликка бориш ҳам кўнгилга сиғмасди...

Тавба, нега одамлар бунақайкин-а?!

Темур ТУРСУН.

Ҳаётий лавҳалар

«ҲОЙ ЙИГИТ, БУВИНГГА ЖОЙ БЕР!»

— Бугунги кунда маҳаллаларнинг роли фақат аҳолига иқтисодий ёрдам кўрсатиш эмас, балки уларни ҳар томонлама муҳофаза қилиб, маънавий ва маърифий камол топишига ҳам кўмак беришдан иборатдир, — дейди Юнусобод тумани Юнусота маҳалласи оқсоқоли Хушмурод Бекназаров.

СУРАТДА: Хушмурод Бекназаров маҳалла фаоллари билан.

Усмон Усмонов олган сурат.

Мен кимман? Қандай одамман?

ТАСАВВУРИНГИЗНИ БОЙ ДЕБ ЎЙЛАЙСИЗМИ?

Қуйидаги тест саволларига «Ҳа», «Баъзан» ва «Ҳеч қачон» деган жавобларингизни доира ичига олиб боринг. Сўнг тўплаган балларингизни ҳисоблаб чиқинг. Ушбу баллар бўйича шарҳларимизни ўқиб, юқоридаги саволимиз хусусида хулоса чиқариб олинг.

	«Ҳа»	«Баъзан»	«Ҳеч қачон»
1. Илмий фантастика ғирт аҳмоқлик, деб ҳисоблайсизми?	4	3	0
2. Хат ёзишни ёқтирмайсизми?	4	2	0
3. Бирон фильмни томоша қилиб бўлганингиздан сўнг, ўзингизни унинг қаҳрамонларидан бири сифатида тасаввур этадиган ҳолларингиз кўп бўладими?	0	2	4
4. Гўдаклик йилларингизда ёлғиз ўйнашга ўрганиб кетганмидингиз?	0	2	4
5. Дуч келган жойда бирданига тўғридан-тўғри нутқ сўзлай оласизми?	0	1	4
6. Шеър ёзишни ўрганишга иштиёқингиз борми?	0	3	4
7. Сизда қандайдир бир улуғ ишни амалга ошириш орзуси борми?	0	2	4
8. Бунинг уддасидан чиқаман, деб ўйлайсизми?	0	3	4
9. Ўз ғояларингиз билан бировлар эътиборини жалб этишга қийналмайсизми?	4	2	4
10. Қандайдир бир хил ҳидлар Сизда муайян хотираларни қўзғатадими?	0	3	4
11. Номаълум томонга саёҳат Сизни ўзига тортадими?	4	3	0
12. Сиз қизиқувчан одаммисиз?	4	2	0
13. Қандайдир бир пайтларда Сизда бир ёқлама романтик ишқибозликка берилиш ҳоллари юз бериб турадими?	0	2	4
14. Кўпгина одамлар ҳаёти ҳақида романлар ёзиш мумкин, деган фикр хаёлингизга келадими?	0	3	4
15. Мусиқа тинглаётганингизда у Сизнинг кўз ўнгингизда қандайдир қиёфаларни гавдалантирмайдими?	0	2	4

ЖАВОБЛАР:

44-60 балл: Ўз бурчингизга қатъий ишонувчи реалист одамсиз. Бироқ бу — Сизнинг тасаввурингиз, хаёлингиз қашшоқ, деган гап эмас. Кундалик ташвишлар юки остида ўзингизни ундан бебаҳра қилишга йўл қўймаслигингизга ишонаверинг.

25-44 балл: Анчагина тасаввури бой одам экансиз. Тасаввур ва хаёлларингизга жон бағишлайверинг. Ҳамма нарсани ўз-ўзидан табиий ҳолатда шундай бўлади, дея қабул қилишдан тийилинг. Қандайдир хаётий мураккаб вазиятларга дуч келиб қолган ҳолларингизда — ўзингизга «Нега?» ва «Бошқача бўлиши ҳам мумкинмиди?» дея савол беринг. Шунда ҳаётдан кўпроқ нарсаларни олишга қодир эканлигингизни фаҳмлаб оласиз.

10-24 балл: Сиз ҳаётга очиқ кўз билан қарайсиз ҳамда ҳар қандай янги ғояларни қабул қилиб олишга доимо шайсиз. Лекин, барибир, шундай ҳам ўзингизга ва ўз кучингизга қаттиқ ишонасиз. бу эса — айни муддао! Сиз ўз ғояларингизни бошқалар билан ўртоқлашишни ёқтирасиз.

10 дан кам балл: Тасаввурингиз бой одам экансиз. Лекин шахсан Сиз учун буни тақдирнинг бахтли туҳфаси деб бўлмайди. Зеро, Сизнинг шу тасаввурларингизни ҳамиша ҳам яхшиликка йўйиб бўлмайди. Ўз хаёлларингизнинг чалкаш кўчаларида адашиб қолишдан огоҳ бўлинг!

Муҳтабар АҲМЕДОВА тайёрлаган.

Янги рукн: «Мунажжим тавсиялари»

ҲАФТАНГИЗ ОМАДЛИ КЕЛСИН

Ой сайёраси. Ернинг абадий табиий йўлдоши. Уларнинг бир-бирларига йўлдошлиги шундай бир оддий ҳодиса эмас. Ойнинг қудратига денгиз ва океанлар бўйсунади. Ўз йўлдошининг абадий нидосига Ер ҳам ўз кўтарилишлари ва пасайишлари билан, вулқонларининг отилиши билан жавоб беради.

Ой нурлари остида яшовчи биз одамлар ҳам бутун Ер сайёрамиз билан унинг маромига бўйсуниб яшаймиз. Бутун ҳаётимиз, содир бўладиган ҳар бир воқеа, тасодифий ҳолларнинг юзага келиши, шу дунёга бўлган муносабатимиз, ички эркимиз, хотиржамлигимиз, кўркув-хавотирларимиз, ғалаба ва мағлубиятларимиз — ҳаммаси она сайёрамизнинг табиий йўлдоши таъсирига боғлиқ. Уларнинг ҳаммаси Ой маромларига бўйсунади.

Куннинг нурланиш қуввати, саломатлигимиз, туш ларимиз ва фолбин башоратлари, боғбонларга маслаҳатлар бўйича мунажжим тавсияларини «Ҳафтангиз омадли келсин!» деб номланган рукн остида йил давомида кунма-кун ҳикоя қилиб борамиз.

10 январь — душанба (Ойнинг 4/5 куни). Куннинг энергетика-ахборот таркиби инсонлар учун қулай бўлади. Ички сезгиларни ривожлантириш ва сирли дунё билан боғлиқ турли хил билимларни эгаллаш маъносида бу кун жуда яхши келади. Агар у ёки бу муаммоларни бартараф этиб улгурмаган бўлсангиз, шу куни катта ишларга қўл уришдан тийилганингиз маъқул.

Бу куни танамиз анчагина залворли жисмоний зўриқишларга тоб беришга тайёр бўлади. Лекин қон айланиши ва лимфатик тугунчалар хасталиклари зўрайишидан эҳтиёт бўлинг. Тери нозиклашиши туфайли турли косметик муолажалардан воз кечиш керак. Нафас олиш машқлари фойдали. Юқори нафас олиш йўлларини даволаш яхши натижа беради.

Тушлар ёлғон бўлади.

11 январь — сешанба (Ойнинг 5/6 куни). Гуноҳлардан тавба қилиш, атрофингиздаги кишилар билан муносабатларингизни қайта кўриб чиқиладиган кун. Агар шу куни чин дилдан тавба қилсангиз — ҳатто энг ашаддий душманларингиз билан ҳам ярашиш имконияти бўлади. Бу эса, Сизнинг руҳий аҳволингиз яхшиланишига ижобий таъсир қилади.

Бу куни кўз ва асаб тизимини зўриқтириш ярамайди. Яхшиси, кўпроқ хотиржамликка интилинг. Рўза тутиш ва танани тозаловчи муолажалар учун бу кун қулай ҳисобланади. Юрак-қон томир хасталиклари билан оғриган кишилар саломатликларига эътибор берганлари маъқул.

Шу тунги тушлар ўнг келиши мумкин. Улар Сизнинг асосий истеъдодингиз сирини очиб бериши, ҳаёт йўлингиздаги муҳим вазифангиздан огоҳлантириши мумкин.

12 январь — чоршанба (Ойнинг 6/7 куни). Ёркин, яратувчи куч-қудрат, ғайрат-шижоат куни. Ҳар қандай ишга қўл урсангиз — муваффақиятга эришаверасиз. Агар рўёбга чиқаришни кўпдан орзу қилиб келаётган ишингизни бошласангиз, албатта орзуингиз ушалади.

Шамоллашингиз, сурункали томоқ оғриқлари, қовуқ яллиғланиши хасталикларининг зўрайиши эҳтимоли бор. Танангизга совуқ ўтиб кетишига йўл қўйманг. Буйрак ва сийдик пуфагини тозаловчи муолажалар яхши натижа беради. Томоқ безларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлаш мумкин.

Ёрқин ва ёқимли тушлар кўрасиз-у, лекин улар ёлғон бўлиб, ўнгидан келмайди.

13 январь — пайшанба (Ойнинг 7/8 куни). Бу кун мураккаб, адашиш ва алданиш куни ҳисобланади. Кунни осойишта ўтказиш, кўпроқ иш билан банд бўлиш маъқул. Эҳтиросларга эрк берманг. Нохуш хабар эшитишингиз мумкин. Кўзгуга қарамасликка ҳаракат қилинг. Бирон-бир муҳим муаммони ҳал қилиш йўлини топгандай бўлсангиз, у хато бўлиб чиқади. Куннинг рамзи кўршапалак бўлиб, у ўй-фикрингиз ва хаёлларингизни олиб қочиб, келажак олдида вужудингизга қўрқув ва беҳаловатликни сингдирмоқчи бўлади.

Озиқ-овқатлардан ҳамда спиртли ичимликлардан заҳарланиш эҳтимоли кучли. Асабий ҳолатлар зўраяди. Стоматологга мурожаат қилишни бошқа кунга қолдирганингиз маъқул.

Тонгга яқин кўрган тушингиз ўнгидан келади.

14 январь — жума (Ойнинг 8/9 куни). Бу кеча-кундуз энергетикаси инсонга нохуш таъсир қилади. Турли хил адашишлар ва алданишлардан ўзингизни асрашга ҳаракат қилинг. Ғамгин, ташвишли фикрларга чўмишдан ўзингизни олиб қочинг — зеро улар тезда ўтиб кетади. Мазкур кеча ва кундуз давомида ойнада ўз аксингизга қарамаслик тавсия этилади.

Нафас қисилиши (астма) хасталиги билан оғриган кишилар айниқса эҳтиёт бўлишлари керак. Овқатдан заҳарланиш эҳтимоли кўпроқ. Спиртли ичимликлардан тийилган маъқул. Аллергия хасталикларига мойиллик кучаяди. Нафас йўллари хасталикларининг ҳам зўрайиш эҳтимоли бор. Оғиз, қорин бўшлиқларида жарроҳлик муолажаларини ўтказиш тавсия этилмайди.

Кўрилган тушлар ёлғон бўлади.

Бу ажиб дунё

АМЕРИКАЛИКЛАР ҚИЗИҚИБ ҚОЛИШДИ

Исроиллик мутахассислар сўлак бўйича ОИТС вируси борми, йўқлигини тезкор аниқлаш имконини берадиган арзон асбоб ишлаб чиқишди. Бемор кичик трубкага бир пуфласа, бас, атиги 35 дақиқадан кейин анализ натижаси тайёр бўлади.

Янги асбоб Явндаги «Органике» корхонасида ишлаб чиқаришга жорий этилиб, атиги 10 шекел нархга сотилмоқда. Америкаликлар янгилик билан жиддий қизиқиб қолишди, улар буни ўзларида қўллаш ниятини билдиришди.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

«Бней-Цион» тиббий маркази ва Хайфдаги Технионда оғриқ ҳиссиётларини ўлчаш учун компьютерлаштирилган қурилма ишлаб чиқилди. Унинг иши одамларнинг юрак уриши доимо бир хил эмаслиги ҳамда қатор жиҳатлар, хусусан, инсон оғриқ сезаётганлигига ҳам боғлиқлигига асосланади.

Юрак уришини текшириш, кейинчалик уни таҳлил қилиш ва таснифлаш орқали бемор ҳис этаётган оғриқ кучини юқори даражада аниқлаш мумкин. Бундай қурилма бемор бирор сабабларга кўра нима ҳис этаётганлигини айта олмаган ҳолларда айниқса қўл келади.

МИКРОСКОП ЛИНЗА

«Ҳадасс-Эйн-Карем» шифохонасида кучли узоқдан кўра олмасликни кузатиш учун микроскопик линза ўрнатиш бўйича операция муваффақиятли амалга оширилди. Профессор Бен-Эзра томонидан ишлаб чиқилган услубият қатор афзалликлари билан ажралиб туради.

«Биз 25 диоптрийгача узоқдан кўра олмайдиган беморларни тузатишимиз мумкин, лазерни қўллаш орқали операция ўтказилганда эса фақат 10 диоптрийгача бўлган бузилишларни тузатиш мумкин холос, — дейди у. — Биз мугуз пардага тегмаймиз. Бундан ташқари, бизнинг линзани истаган вақтда олиб қўйиш мумкин».

Линзанинг бошқа афзал жиҳати — иқтисодий ютуқдир. Агар линза ёрдамида операция қилиш учун ускуналар ярим миллион долларга яқин бўлса, микроскопик линза ўрнатиш бўйича операция атиги 2 минг долларни ташкил этади.

БУРГАГА АЧЧИҚ ҚИЛИБ

Осмондан ҳар нарса ёққанига ишониш мумкин. Лекин пул ёғилганига ақл бовар қилмайди. Бироқ далилларга ишонмасдан ҳам бўлмайди. Бу ҳодиса Лондон кўчаларининг бирида содир бўлди. Кутилмаганда ўткинчилар бошига 20 фунтлик яп-янги банкнотлар ёғилса бўладими. Шошиб қолган йўловчилар пулларни тера кетишди. Биров чўнтакни, биров ҳамённи қаппайтириб, ҳар томонга жўнаб қолишди. Юқорида эса пул ёққан 5-қаватдан аёл билан эркакнинг бақириқ-чақириқлари эшитиларди.

Ўша куни бадавлат бир жентельмен пулларини қайтариб берилишини сўраб полициянга мурожаат қилди. Унинг айтишича, маҳбубаси билан жанжаллашиб қолиб, «Сенга пул бергунча, кўчага улоқтирганим яхши», деб бойлигини деразадан улоқтирган экан. Полиция қизиққон маъшуққа ҳамдардлик билдирди. Лекин пулини қайтариб беришга ожизлик қилди.

СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Ҳиндистонда танкларга қарши ишлатиладиган ракета синовдан ўтказилди. «Наг» русумли бу янги қуролни четдан туриб ҳам бошқариш мумкин. У илгари ишлаб чиқарилган «Наг»лардан қатор афзалликлари билан фарқланади. Бошқача қилиб айтганда янги «авлод» иссиқликни «сезади» ва ҳар қандай об-ҳаво шароитида 6 километргача бўлган масофадаги нишонни ура олади. Яна бир афзаллиги шундаки, «Наг» танкларга фақат олд томонидан эмас, балки ёндан ёки юқоридан келиб ҳам тегиши мумкин. Аксар танкларнинг эса фақат олд қисми зирҳланган бўлиб, ёни ва усти нисбатан бирмунча заиф бўлади.

ГЎЗАЛЛАР ТАНЛОВИ

Мексиканинг Мичоакан штатида 60 ёшдан ошган аёллар ўртасида гўзаллар танлови ўтказилди. Унда 77 ёшли Марина Уртадо ғолиб чиқди ва «Энг гўзал момо» деб эълон қилинди. Танлов Мексикада узоқ яшовчилар куни нишонланиши муносабати билан ўтказилди, деди тадбир ташкилотчиларидан бири. Қизиқарлиси шундаки, танловга келган томошабинларнинг кўпчилиги 60 ёшдан ошган боболар эди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, айни пайтда Мексикада 60 ёшдан ошганлар сони 6 миллиондан кўп. Уларнинг 80 фоизи ижтимоий ёрдамга муҳтож.

Мухлисларнинг айтишича, мамлакатда узоқ умр кўрувчилар сони борган сари кўпайиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилга бориб бундай ёшдагилар 10 миллионга етади.

Янги йил шодиёналари мамлакатимиз бўйлаб кенг миқёсда нишонланди. Ҳар бир даргоҳда безатилган арча атрофида кўтаринки руҳда ўтказилаётган байрам кечаларида, айниқса болажонларимизнинг қувончи чексиз бўлди.

СУРАТДА: шаҳримиздаги 269-болалар боғча-мактабида ҳам Янги йил байрами ана шундай хурсандчилик билан ўтказилди.

Равиль Альбеков олган сурат.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

САМАРАЛИ НАТИЖАЛАР

Маълумки, Тошкент шаҳар туманлари ва халқ хўжалиги корхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишининг бажарилишини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ пойтахтда ёнғин хавфсизлиги ойлиги кенг кўламда давом этмоқда. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнғиндан сақлаш бошқармаси Давлат ёнғин назорати бўлими ходими, милиция катта лейтенанти Феруза Саъдуллаева биз билан суҳбатда ойлик доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бизнинг Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармамиз ёнғин хавфсизлиги ойлигини пухта тайёргарлик ва кенг қамровдаги режалар асосида ўтказмоқда. Авваламбор турли-туман корхона, ташкилот, боғча, мактаб, маҳаллаларда ўт ўчириш техникалари намойиш этилгани ҳолда ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимлари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Янги йил байрами кунлари деҳқон бозорларидаги ҳудудида ва мулкчилик шаклидан қатъий назар савдо дўконларида давлат стандартларига тўғри келмайдиган, тегишли ҳужжатлари бўлмаган портловчи ҳамда ёнғин чиқариш хавфига эга товарлар — пиротехника маҳсулотлари, гугурт, газ, бензин баллончалари сотилишига йўл қўймаслик мақсадида Чорсу, Аҳмад Дониш, Отчопар бозорларида рейдлар ўтказилди. Айниқса, Хитойда ишлаб чиқарилган, ташқи томондан чиройли безатилган бўлса-да, анчагина хавфли бўлган, сотиш қатъиян таъқиқланган пиротехника воситаларини яширинча сотиш ҳолларига барҳам бериш ишларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Кўплаб шундай маҳсулотларни яширинча ва энг ачинарлиси болаларга бекитиқча сотаётган кишилар аниқланиб, уларга жарималар солинди, сотувчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Бундай рейдлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Аҳоли кўп тўпланадиган А. Навоий номидаги театр майдони, Сергели, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғлари, Сайилгоҳ кўчаси, Чорсу бозорида кўргазмали учрашувлар ўтказилмоқда. Корхона, ташкилотлар, ўқув юртларида ёнғиннинг олдини олиш юзасидан тушунтириш ишлари ташкил этилмоқда. Ёнғиннинг олдини олишга чорловчи рангли плакатлар, эслатмалар, мурожаатномалар катта тиражларда чиқарилиб тарқатилмоқда. «Гранд», «Сезам», «Машъал», «Тошкент» радио студиялари, матбуот нашрлари орқали эшиттиришлар, материаллар тайёрлаяпмиз.

Дастлабки натижалар хусусида тўхталадиган бўлсак улар анча қониқарлидир. Хусусан, 15-республика кўз касалликлари, вилоят кўз касалликлари шифохонаси, Тошкент тиббиёт-педиатрия институти касалхоналарида бўлганимизда термик жароҳатлар билан келаётган болалар сезиларли даражада камайганлигининг, умуман, ёнғинлар сони ва ёш болаларнинг куйиш ҳоллари пасайганининг гувоҳи бўлдик.

Фурсатдан фойдаланиб, ёнғин хавфсизлиги ойлигини фаол ёритишда ўз хизматларини аямаётган радио, телевидение ва вақтли матбуот нашрларининг журналистларига ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

МУЛКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР БАРЧА КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ШУНИНГДЕК, ЙЎЛОВЧИЛАРНИ ТАШИШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

1. Тошкент шаҳридаги йўналишларда йўловчиларни ташишни ташкил этувчи комиссия 2000 йил 17 февралда йўловчилар транспортида хизматлар кўрсатиш бўйича шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи тендер ўтказади.

2. Мулкчилигининг шаклидан қатъи назар Тошкент шаҳри ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, шаҳар ичида ёки шаҳардан ташқарида йўловчиларни ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс тендерда қатнашиши мумкин.

3. Тендерга маршрутли такси ёки йўналишларда қатновчи автобусларнинг қуйидаги йўналишлари қўйилади:
— И-16 «Қадишев — Отчопар»
— И-4 Метронинг «Чорсу» бекати — Отчопар»
— 41 й «Бўзбозор — Белоножко»
— 43 й «Бўзбозор — Ҳумоюн»
— 37 тезюрар «Қўйлиқ-6 даҳаси — Навоий театри»
— 72 «Қадишев — Юнусобод даҳаси, 12-мавзе»
— 80 «Жанубий вокзал — метронинг «Машинасозлар» бекати»
— 83 «Юнусобод даҳаси, 6-мавзе — «Бўзбозор»
— 85 «Қорақамиш 2/4 даҳаси — Навоий театри»
— 88 «Ибн Сино 1-даҳаси — Олой бозори»
— 91 «Юнусобод даҳаси, 15-мавзе — 1-шаҳар касалхонаси»
— 94 «Ал-Хоразмий даҳаси — Аэропорт»
— 98 «Дўстлик-2 даҳаси — метронинг «Чилонзор бекати»
— 110 «Қўйлиқ — Бўзбозор»
— 6-маршрутли такси. «ТТЗ — «Зенит» заводи»
— 26-маршрутли такси. «Дўстлик-2 даҳаси — метронинг «Чорсу» бекати
— 20-маршрутли такси. «Универсам — Бўзбозор».

4. Тендерда қатнашишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун талабномани 2000 йил 15 январдан кечикмаган ҳолда қуйидаги манзил: Амир Темур 1-тор кўчаси, 6. «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси, 413-хонага топшириш лозим. Талабномага шаҳар ичида ёки шаҳар ташқарисида йўловчиларни ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатнома қўшиб топширилади.

5. Тендер таклифларини топшириш муддати — 2000 йил 16 январдан 31 январгача.

6. Йўналишларда йўловчи транспортида хизматлар кўрсатиш учун тендер ғолиби билан шартнома 6 ойдан кам бўлмаган муддатга тузилади.

Маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат қилинг: 137-67-13.

Тендерларни ташкил этиш бўйича шаҳар комиссияси.

Акмал Икромов туманида жойлашган 6 сотихли планли участка **СОТИЛАДИ.** Телефон: 90-64-59.

Мусаҳҳих: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-08. Босмага топшириш вақти 11.30 123456